

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Бўриев Бекзод Бахритдиновичнинг

**«Аҳоли даромадлари ва харажатлари ўсишини самарали
бошқариш» (Қашқадарё вилояти мисолида).**

Мутахассислик: 5А340201-“Менежмент”(ишлаб чиқариш)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди
ва химояга қўйилди
“Менежмент”
кафедраси мудирини
_____ доц. И.Э.Турсунов
“_____” _____ 20__ йил

Илмий раҳбар
_____ доц. И.Э.Турсунов
Илмий маслаҳатчи
Қашқадарё вилоят Иқтисодиёт
бош бошқармаси иқтисодчиси
_____ О.Каримов

Химояга рухсат этилди
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ т.ф.н., доц Б.М.Холбаев

Қарши-2010й

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЎСИБ БОРИШИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	9
1.1. Аҳоли турмуш даражаси ўсишида аҳоли даромадлари ва харажатларининг ўрни.....	9
1.2. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг турлари.....	15
1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиши.....	25
II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ, УЛАРНИНГ ТАҚҚОСЛАНМА ТАҲЛИЛИ	31
2.1. Аҳоли даромадлари манбалари таҳлили.....	31
2.2. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг ҳозирги ҳолати ва уларнинг таққосланма таҳлили.....	40
2.3. Аҳоли даромадлари ошишини таъминловчи омиллар таҳлили.....	52
III БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА УНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	65
3.1. Аҳоли даромадларининг давлат томонидан тартибга солиниши.....	65
3.2. Аҳоли даромадларини оширишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	76
Хулоса ва таклифлар	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	85
Иловалар	92

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Аҳоли турмуш даражаси ўсишида ва фаравон ҳаёт кечиришида унинг даромадлари ва харажатлари муҳим ўрин эгаллайди. Аҳоли даромадлари қанчалик ошиб борар экан, унинг турмуш даражаси сифати ҳам шунчалик яхшиланиб бораверади. Шундай экан, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш, уни янада ошириш чораларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш мамлакатимизнинг ҳозирги кунда олдига қўйган энг долзарб масалаларидан биридир.

Мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, унинг даромадларини янада ошириш, айти пайтдаги бозор муносабатлари шароитида аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиб бориш ва уни оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам республикамиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, биринчи навбатда аҳоли даромадларининг хилма-хил манбаларини шакллантириш давлатнинг даромадларни тартибга солиб бориши билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аҳоли даромадларини барқарор ошириб бориш, аҳоли турмуш даражаси сифатини янада кўтариш мақсадида даромадларнинг манбаларини шакллантириб бориш долзарб ва устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биринчи галда, биз учун энг ўткир бўлиб турган аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этиш¹» лозим.

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг даромадларини оширишни мумкин қадар тартибга солиш мақсадида, қатор иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг бир қатор Қонунлари, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли даромадларини тартибга солишга дахлдор бўлган қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар кўмагида

¹Каримов И.А. – “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. “Халқ сўзи газетаси”, 9 февраль, 2008 йил

республика иқтисодиётига, шу жумладан, аҳоли даромадларини янада оширишга таъсир этадиган турли манбаларни ҳосил қилишга кўмаклашувчи иқтисодий муҳит шаклланди. Натижада соҳаларда янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш эвазига, унинг турмуш даражасини яхшилашга мумкин қадар эришилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарорликни таъминлаш билан бирга, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солинишидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ҳам ижобий томонга ўзгартирди.

Бироқ, амалга оширилган ишларнинг кўламига қарамадан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, даромадларни давлат томонидан тартибга солиш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли даромадларини ошириш манбаларини шакллантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадларини турли манбалар эвазига шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан барқарор ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатлари шароитида аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштириш бўйича қатор хорижлик олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Жумладан, Абакумова Н.Н.², Подовалова Р.Я., Аникиев С.Д., Рофе А.И., Жуков А.Л., Волгина Н.А., Одегов Ю.Г. ва бошқалар.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, унинг даромадларини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги муаммолари

² Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я. “Политика доходов заработной платы”. М.: ИНФРА - М, 1999 стр-

юзасидан Қ.Х.Абдурахмонов³, И.Искандаров, Р.А.Убайдуллаева, Ш.Р.Холмўминов, Х.М.Хақимов, Н.Т.Шоюсопова, А.Б.Хайитов, И.А.Якубов⁴ ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар. Ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида мавжуд уй хўжалиқларининг қўлланилмаётган имкониятларини, улар жойлашган ҳудуддаги мавжуд салоҳият ва ўзига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, аҳоли даромадларини янада оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади - аҳоли даромадларини янада ошириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги **асосий вазифаларни** бажариш лозим:

- аҳоли турмуш даражасини ўсишида аҳоли даромадлари ва харажатларининг ўрнини кўрсатиб бериш;
- бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланишини тўлақонли ёритиб бериш;
- аҳоли даромадлари таркибини аниқлаш ва унинг манбаларини ёритиб бериш;
- Қашқадарё вилояти аҳоли даромадлари ва харажатлари ҳолатини таққосланма таҳлил қилиш;
- аҳоли даромадларини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш;
- аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солишни илмий ёритиб бериш;
- аҳоли даромадларини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- мазкур муаммоларнинг ечими бўйича аниқ хулоса ва таклифлар

³ Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Олий ўқув юртлири учун дарслик. Т.; "Меҳнат", 2004

⁴ Якубов И.А “Баланс муаммолари фанидан маърузалар матни” Тошкент.:ТДИУ- 2005

ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг объекти - Қашқадарё вилояти аҳоли пул даромадлари ва харажатларининг ҳолати.

Магистрлик диссертациясининг предмети - Қашқадарё вилоятида аҳоли даромадларини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш борасида илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асослари - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, аҳоли даромадлари ва уни ошириш йўналишлари бўйича ватанимиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ҳамда интернет тармоғи сайтларидан худди шу мавзу юзасидан олинган маълумотлар ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот муаммолари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда Қашқадарё вилоят туманлар ҳокимияти иктисодиёт ва статистика бўлимлари маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилик элементлари куйидагилардан иборат:

- аҳоли даромадлари табақаланишининг янгича кўринишлари илмий асосланган;
- аҳоли даромадлари ошишини таъминловчи омилларга илмий баҳо берилган;
- аҳоли даромадлариини ошириш бўйича илмий тавсиялар берилган;
- аҳоли даромадлари ва унинг турмуш даражасини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- мазкур муаммоларнинг ечими бўйича илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси, Қашқадарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Қашқадарё вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси ҳамда вилоят туманлари ҳокимиятлари амалиётида фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари бўйича Ижтимоий-Иқтисодий Тадқиқотлар Марказида 2008 йил 30 майда бўлиб ўтган ”Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда маъруза қилиниб, ижобий баҳоланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, жами 101 бетдан иборат бўлиб, диссертацияда 15 та жадвал, 15 та диаграмма, 2 та график ва 2 та чизма келтирилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ўз ифодасини топган.

Илмий ишнинг **«Аҳоли турмуш даражаси ўсиб боришида аҳоли даромадлари ва харажатларининг тутган ўрни»** бобида аҳоли турмуш даражаси ўсишида аҳоли даромадалри ва харажатларининг ўрни ва аҳамияти, аҳоли даромадларининг турлари ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиши назарий жиҳатдан кенг ёритилиб берилган.

«Қашқадарё вилоятида аҳоли даромадлари ва харажатларининг ҳолати, уларнинг таққосланма таҳлили» номли иккинчи бобда мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун амалга оширилган иқтисодий ислохотлар қаторида аҳоли даромадлари ва харжатларининг ҳозирги аҳволи, унинг ошиб боришига таъсир этувчи омиллар атрофлича таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг учинчи боби **«Аҳоли даромадларини давлат**

томонидан тартибга солиниши ва уни оширишни такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган бўлиб, унда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромадалрини оширишни моделлаштириш асосида унинг истиқболли йўналишлари асослаб берилган. Аҳоли даромадалрини давлат томонидан тартибга солиниши юзасидан амалий вазифалар белгилаб берилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари умумлаштирилиб, илмий-амалий жиҳатдан асосланган хулоса ва тавсиялар берилган.

I БОБ. АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЎСИБ БОРИШИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

1.1. Аҳоли турмуш даражаси ўсишида аҳоли даромадлари ва харажатлариинг ўрни.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат томонидан аҳоли даромадларининг ошишини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослар яратилди. Ушбу жараёнларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳамда аҳоли турмуш даражаси сифатини янада яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аҳоли турмуш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир. Уни ошириб бориш ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсадидир. "Турмуш даражаси" тушунчаси замонавий талқинда инсон фаолиятининг барча томонларига тааллуқли бўлган кенг қамровли тушунчадир.

Турмуш даража деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади⁵.

Бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодиёт субъектларининг эркинлигини таъминлаш, даромад топишга бўлган манфаатнинг ҳимоя қилиниши яратилган шарт-шароитларнинг кенгайиб бориши орқали амалга ошади. Иқтисодиётнинг эркинлик даражаси даромад эркинлигини таъминлаш билан бирга, даромадларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланишининг ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётига хос бўлган механизмини яратади. Иқтисодиёт қонун-қоидаларининг умумий томонлари миллий иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари билан ўзаро таъсирда бўлади. Шу нуқтаи назардан ўтиш даври иқтисодиётида ҳам даромадлар ҳосил бўлишининг бозор ва нобозор усуллари даромадлар даражасини белгилаб беради. Даромадларнинг ҳосил бўлиши ҳар бир даврга нисбатан иқтисодиётда амал қилаётган меъёрлар доирасида рўй беради. Иқтисодиёт қонун-қоидаларининг даромадлар миқдори ва турига таъсир ўтказиши даромадлар ҳосил бўлишининг муҳим жиҳати бўлиши билан бирга, даромад топувчи субъектлар фаолияти ҳам иқтисодиёт қоидаларига нисбатан

⁵ Абдурахмонов Қ.Х. "Меҳнат иқтисодиёти". Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.; "Меҳнат", 2004. 441-бет.

фаол таъсирда бўлади. Шунинг учун объектив шарт-шароитларнинг субъектив омиллар доирасида ўзгариши иқтисодиётга давлатнинг таъсир этиши, фаолликка ундовчи рағбатлар кўламининг ўзгариши билан боғлиқ.

Иқтисодий фаолият пировард мақсадининг даромад топишга қаратилганлиги иқтисодиётнинг азалий қоидаси бўлиб, субъектларнинг иқтисодий муносабатга киришишлари учун туртки бўлади. Лекин даромад топиш эркинлиги ва даромад топиш учун қилинган саъй-ҳаракатларнинг хавф-хатардан ҳоли эмаслиги, иқтисодий фаолликни маълум чегарада ушлаб туради. Демак, ҳар қандай шарт-шароит ва имкониятлар тўғридан-тўғри даромад топишга ундайди деб бўлмайди.

Иқтисодий фаоллик индивидуал қобилиятлар доирасида кечадики, натижада қобилиятдаги фарқ, даромад топишга ҳам табақалашган тарзда ўз таъсирини кўрсатади. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун яратилган қулай шароитлар даромад топувчиларни фаолликка ундамайди? Чунки, **биринчидан**, яратилган шарт-шароитлар субъектлар томонидан тўлиқ англаб етилмаган бўлади. **Иккинчидан**, қулайликни ўзлаштириш ҳар хил имкониятлар доирасида кечади. **Учинчидан**, субъектларда қулай шароитлар тўғрисида маълумот етишмайди, **тўртинчидан**, зиён кўриш хавфи шароитларнинг бошқа томонга ўзгариб кетиши мумкинлиги туйғусини келтириб чиқаради ва ниҳоят, **бешинчидан**, субъектларда даромаднинг маълум миқдорига нисбатан кўникма ҳосил бўлади.

Санаб ўтилган сабаблар даромад топиш фаоллигини чеклайди. Бироқ, даромад топиш, унинг миқдорини ошириш манфаати ҳеч қачон сўнмайди. Чунки инсон тирик мавжудот сифатида яшаши учун доимо истеъмол неъматларини тановул қилиб туриши керак. Шу билан бирга, муносиб турмуш тарзини таъминлашга, фаровон ҳаёт кечиришга бўлган интилиш даромад топиш иштиёқини кучайтириб боради. Шунинг учун яратилган шарт-шароит масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, кишилар тоифаси бир-биридан фарқланади ва бу, ўз навбатида, даромад соҳибларининг табақаланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Даромадларнинг ҳосил бўлиши кишиларнинг ижтимоий мақомига ҳам боғлиқ. Тақдир тақозоси ва ҳаётий қизиқиши билан маълум касб эгаси бўлган шахс ўз касби ҳамда саъй-ҳаракати орқали даромаднинг миқдорий чегарасига эга бўлади. Бу чегарани субъект ўз хоҳишига кўра бирваракайига ўзгартириб юбора олмайди. Ёхуд касб ва малака даромад миқдорини белгилаб беради ҳамда уни маълум чегарада ушлаб туради. Масалан, деҳқон томорқа хўжалигида етиштирган маҳсулотини ўз истеъмолига ишлатиши билан бирга, бозорга сотишни ҳам мўлжал қилади, лекин бундан келадиган даромад ўз чегарасига эга бўлади. Чунки томорқа майдонининг чекланганлиги ёки ишчи кучининг етишмаслиги сабабли янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмайди.

Бинобарин, киши ўз даромадини кўпайтириш учун янада кўпроқ меҳнат сарф қилишга ҳаракат қилади, лекин унинг организми бунга имконият бермайди. Чунки ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун керакли истеъмолни амалга ошириши ҳамда дам олиши лозим. Келтирилган мисол ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг етарлича ривожланмаганлиги, техника ва технологияларнинг етишмаслиги, қўл меҳнатининг юқорилиги шароитида юз беради. Шу билан бирга, мазкур адолат даромадлар даражасининг паст бўлишини объектив сабаби ҳисобланади. Тўғри, тинмай тер тўкиб меҳнат қилиш ва унинг бозорда кўпроқ тан олиниши даромаднинг ошишига олиб келади, аммо бошқа субъектларнинг даромад топиш борасидаги фаоллигини ҳисобга олсак, даромад чегараланиб боради.

Ўтиш даврида даромадлар бир нечта объектив ва субъектив омиллар таъсирига учрайди. Бу таъсир даромадларнинг шаклан хилма-хил, миқдоран турлича бўлишига олиб келади. Ўтиш даврига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда даромадларга таъсир этувчи омиллар нисбати ўзгариб туради ва иқтисодиётда бозор муносабатларининг ривож топиши билан даромад барқарорлиги маълум механизмга хос бўлган қоидалар орқали намоён

бўлади⁶:

- ✓ инфляция жараёнининг чуқурлашиб бориши;
- ✓ даромад манбалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши;
- ✓ социал табақалашувнинг чуқурлашуви;
- ✓ ишсизлик даражасининг ортиб бориши;
- ✓ кишиларнинг шаклланаётган янги иқтисодий муносабатларни ўз вақтида ва тўғри тушуниб етмасликлари;
- ✓ даромадларни реализация қилиш имкониятларининг чекланганлиги;
- ✓ пинҳоний иқтисодиётнинг салбий таъсири.

Юқорида санаб ўтилган салбий жиҳатлар ўтиш даврида у ёки бу даражада мавжуд бўлса-да, давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш воситалари ва усулларининг таъсирчанлиги натижасида иқтисодиёт нормал ҳолатга тушиб боради ҳамда бозор муносабатларига хос бўлган иқтисодий алоқалар кучаяди. Пировардида қонунга мос равишда ҳалол йўл билан даромад топиш, даромад манбалари ва имкониятларининг кенгайиб бориши эвазига турмуш даражасининг ўсиб боришига эришилади. Даромад топишнинг асосини ишлаб топилган пул ва турли кўринишдаги кўмаклар ташкил этади.

Ўтиш даврида даромадларнинг ҳосил бўлиши, дастлаб ташкил топиш кўникмаси орқали даромадлар даражасининг белгилаб олинишига боғлиқ бўлади. Бунда даромадлар ҳосил бўлишида эскида амал қилган қоидалар яъни маъмурий усуллар билан янгидан шаклланаётган усуллар, яъни бозор қоидалари қоришма тарзида намоён бўлади. Бу икки қоришма даромадлар даражаси ва миқдориининг юқори ёки паст бўлишига олиб келади. Натижада юқори, ўрта ва кам даромадлилар қатлами қарор топади. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан даромад топишга бўлган қизиқиш топилган даромаднинг ўз соҳибини рағбатлантириши, яъни янада кўпроқ пул топишга ундаши орқали ортиб боради. Пировардида жамиятда даромадни ўзлари ишлаб топадиган субъектлар миқдори ортиб боради ва

⁶ "Жамият ва бошқарув" журнали. №4 2003 йил. Р.Хасанов - "Даромадлар ҳосил бўлишининг ўзига хос хусусиятлари", 32-33 бетлар.

ўрта ҳол қатламнинг таъсир доираси ошиб, кўпчиликни ташкил этади. Бу эса даромаднинг ижтимоий аҳамиятини бевосита ўсиб боришини аниқлатади ҳамда аҳоли турмуш даражасининг юқориликдан далолат беради.

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаладиган "турмуш даражаси" атамаси кенгрок қўлланилади. Бундай тавсиф кўпроқ турмуш даражаси статистикасини характерлайди.

Аҳоли турмуш даражасини яхшиланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши;
- Илмий-техник тараққиёт;
- Аҳолининг маданий-маърифий савияси ва бошқа омиллар.

Турмуш даражасининг энг муфассал талқини қуйидагича: турмуш даражаси - бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Аҳолининг турмуш даражасини қуйидаги тўрт кўрсаткич билан ажратиш мумкин:

- ❖ **тўқ турмуш даражаси** - инсоннинг ҳар томонлама камол топишини таъминладиган неъматлардан фойдаланиши;
- ❖ **нормал даража** - инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-қувватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминладиган илмий асосланган меъёрлар бўйича оқилона истеъмол қилиши;
- ◆ **камбағаллик** - меҳнат учун ресурсларни қайта яратишнинг қуйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини сақлаш даражасида неъматларни истеъмол қилиши;
- ◆ **қашшоқлик** - истеъмол қилиниши, инсоннинг яшаш қобилиятини сақлаш имкониятигини берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиши.

Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси канчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Даромадлар эҳтиёжларни бевосита қондириш манбаи сифатида аҳоли ҳаётида катта рол ўйнайди. Бюджетнинг даромад қисми асосан жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган солиқлардан ташкил топади ва улар ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланади, шу тариқа аҳоли эҳтиёжлари билвосита қондирилади.

Иқтисодий адабиётларда «даромад» тушунчаси ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг, маҳсулотни ишлаб чиқариш сарфи ошиши деб, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва унинг томонидан ўзлаштирилган улуши деб тушунилади⁷.

Даромадлар ҳаракати бозор иқтисодиётининг ишлаб туришини таъминлайди. Айланиш жараёнида даромадлар изчил равишда куйидаги бир неча босқич юзага келиши, тақсимланиш ва қайта тақсимланиш, пировард истеъмолга ишлатилиш, жамғарилиш босқичларидан ўтади. Даромадларни юзага келиши уларнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнидаги ҳаракатининг бошланғич босқичи бўлади. Бу босқичда даромадлар бирламчи даромадлар сифатида шаклланади.

Тақсимланиш жараёнида тадбиркорлар бирламчи даромадларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан солиқлар тўлайдилар, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари юзасидан ҳақ тўлайдилар. Натижада дастлабки даромадлар иш ҳақи, фоизлар, рента, корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдасига айланади.

⁷ У.Абдурахмонов, М.Касимов. "Стратегия ускоренного роста и повышение благосостояния населения". «Экономическое обозрение» журналы № 12(63) 2004, 34-36 бетлар.

1.2. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг турлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиш ҳаёт фаровонлигининг кафолати бўлиб, иқтисодий субъектларнинг даромад топиши ва уни кўпайтириб бориши чекланмаган. Аксинча, уларнинг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бундай имкониятлар доирасида даромад манбалари турларининг хилма-хиллиги таъминланади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг фарқланишига бозор ва нобозор даромадлари таъсир қилмоқда.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бозор даромадларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган. Бозор даромадлари таркибида тадбиркорлик даромади муҳим ўрин эгаллайди. Чунки кейинги йилларда тадбиркорлар қатлами кенгайди ва улар тобора иқтисодий фаоллик кўрсатиб юқори даромад соҳиби бўлмоқдалар. Юқори даромадга эга бўлиш эса, бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Тадбиркорлик ва уй хўжалигининг бозор тамойилларига мос равишда ривожланиши, иқтисодий ўсишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ ривожланиш даражасининг ҳар-хил кечганлиги боис, уларнинг даромад ҳосил қилишдаги иштироки ҳам турлича бўлмоқда. Тадбиркорлик фаолиятига аҳолининг тобора янги қатламлари тортилиб борилаётганидан унинг барча хонадонлар даромадини ҳосил этишдаги роли кучаймоқда. Тадбиркорлик фаолиятида оилавий ҳамжиҳатлик даражасининг ошиб бориши ҳам кузатилмоқда.

Аҳолининг даромад топиш усуллари ўзгариб борса, пул топиш имкониятлари ҳам ҳар-хил бўлади. Бу, биринчидан, куч-қувват ва ақлий қобилиятнинг ҳар-хил бўлишига, иккинчидан эса, оиланинг мулк соҳиби бўлиши ёки бўлмаслигига ҳамда мулкни самарали ишлатишга боғлиқ. Бинобарин, даромад топиш учун ресурслар мавжудлигига ва унинг ишлатилишига нисбатан шахсий даромад манбалари фарқланади⁸. Аҳоли

⁸ Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т. "Бозор иқтисодиёти асослари", Ўқув қўлланма. Т.: "Фан" - 1999. 56-бет.

даромадларининг ўзгариши асосан қуйидагиларга боғлиқ:

- меҳнатга лаёқатли кишида мужассамлашган жисмоний ва ақлий қобилиятларнинг ижтимоий фойдалилик йўлида ишлатилиши;
- ишлаб чиқариш воситаларини тасарруф этиш даражаси доирасида капитал ва мулкнинг ҳаракати, унинг даромад келтиришдаги иштироки;
- жамиятда киши имкониятларини тўла юзага чиқариши учун иқтисодий эркинликлар ва шарт-шароитларнинг мавжудлиги;
- давлатнинг иқтисодиётни тартибланиш ва ривожлантиришда қўллаётган усул ва воситаларининг нечоғли кўзланган натижа бериши, даромадларни қайта тақсимлаши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиши;
- реал инвестициялар миқдорини оширишга кўмак берувчи имтиёзлар доирасини кенгайтириш асосида янги техника ва технологияни қўллаш орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

Ўзбекистонда олдинги тақсимот усуллари ўрнига тақсимотнинг бозор механизмига асосланган усулларининг жорий этилиши аҳоли даромадлари ташкил топишининг ўзига хос йўналишини вужудга келтиради. Тақсимот усулларининг ўзгариши, биринчидан, хўжалик фаолиятидаги мулкнинг хусусийлаштирилиши таъсирида тадбиркорлик даромади, фойда ва % каби даромад шакллари юзага келтирса, иккинчидан, нарх-навонинг эркинлаштирилиши таъсирида бозор нархининг тебраниб туришини ва бозор конъюнктурасининг ўзгаришини ҳамда фаолият юритувчи субъектларнинг бозор ўзгаришларини тўғри англаб етишини таъминлайди. Натижада, даромадларнинг қайта тақсимланишидан иқтисодий фойда кўриш манфаати ортиб боради ва юқори даромадлилар қатлами вужудга кела бошлайди. Учинчидан, кишиларнинг ўз мол-мулкларини мустақил тасарруф этишлари ва иқтисодий манфаат кўриш хоҳишига қараб ишлатишлари мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар шаклини юзага келтиради. Тўртинчидан, даромадларни ўстиришда ҳар қандай чекланишларнинг бекор қилинишини қонуний даромадлар миқдорининг ортиб боришини

таъминлайди, солиқ тўловлари иқтисодий рағбатлар таъсирида ортиб боради, даромадларнинг юқори чегараси солиқлар орқали тартибга солиниб турилади ва юқори даромад олишга ҳалақит берувчи тўсиқлар олиб ташланади. Даромадлар ташкил топишининг бозор ва нобозор усуллари даромадларнинг фарқланишига турлича таъсир кўрсатади. Бозор муносабатлари юқори даромад олишнинг шарти сифатида ишбилармонликни биринчи поғонага кўтаради. Тадбиркорлик қобилияти иқтисодий фаолиятнинг омили ўлароқ, ишбилармон кишиларнинг юқори даромад даражасини белгилайди.

Бой табақанинг ҳиссаси ҳалол йўл билан юқори даромад топувчилар қатламининг ошиб боришини билдиради. Улар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилар, яъни зиёлилар ва ишбилармон деҳқонлардан иборат.

Аҳоли даромадлари манбалари ва шакллариининг турли-туманлиги даромадлар фарқланишининг бош асосини ташкил этади. Табақалашув даражаси аҳоли жон сонига нисбатан намоён бўлади. Даромадларнинг умумий даражаси эса, оила аъзолари жон сонига тўғри келадиган даромадлар миқдори билан белгиланади. Даромади ўртача иш ҳақи ва ундан кам миқдорда бўлган оилалар сони даромадларнинг умумий даражасига тескари нисбатда бўлса, даромади ўртача иш ҳақидан юқори ҳисобланган оилалар сони даромадларнинг умумий даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Оилаларнинг моддий таъминланганлигига кўра, иқтисодий фарқланиши даромадларнинг умумий даражасига турлича таъсир кўрсатади. Бу умумий даромадлар даражасининг юқори ёки камлигини даромадлар фарқланишида алоҳида кўриб чиқиш зарурлигини талаб этади ва табақаланишнинг ҳар хил кўринишини келтириб чиқаради. Бундай қонуниятли ҳолат республикамиз вилоятларидаги оилаларнинг даромад кўрсаткичларини таққослаш орқали юзага чиқади.

Аҳоли даромадларининг ҳудудий табақаланишида оила жон бошига тўғри келадиган миқдор ҳисобга олинади. Даромадлардаги фарқ ижтимоий

гурухлар ўртасида турмуш даражасининг фарқланишини билдиради. Ижтимоий гурухлар даромадларининг фарқланиши турли ҳудудларда ҳар хил омиллар таъсирида юзага чиқиб, вилоятлар бўйича даромадлар таркиби ўзгаришининг аниқ даражада шаклланишини кўрсатади. Демак, иқтисодиётнинг умумий даражаси қанча юқори бўлса, ижтимоий тафовутлар бунга нисбатан юмшоқ кечади ва аксинча, иқтисодиёт қанча қоқоқ бўлса, ижтимоий тафовутлар чуқурлашиб, даромадлардаги фарқ ва ижтимоий табақаланиш кучаяди⁹.

Даромадлардаги фарқланиш шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг этник гурухлари таркибига ҳам боғлиқ бўлиб, ижтимоий тенгсизликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам шаҳар оилаларининг даромадлари қишлоқ оилаларининг даромадларидан анча юқори ҳисобланади. Бу фарқланиш иқтисоднинг индустриал ва аграр соҳалари ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади. Этник гурухлар даромадидаги фарқланиш иш билан машғул бўлиш, бундаги даромадлар манбаининг табиати, оила миқдори, унинг таркиби ва оиладаги ишловчилар сонидан келиб чиқади. Хулоса қилиб айтганда, аҳоли даромадларининг фарқланиши жараёнида қуйидагиларнинг таъсирини эътиборга олиш зарур:

Биринчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хўжалик юритиш шакллари ва мулкнинг турли-туманлиги заминида табақалашган тарзда ўзгариб боради. Чунки олинаётган шахсий даромаднинг асосий манбаи кишининг шахсий меҳнати ва қобилиятининг йиғиндиси ҳисобланади. Иккинчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хилма-хиллиги даромадлар миқдорига таъсир қилади. Бунда шахсий даромадни кўпайтириш манбаи кишининг нафақат шахсий меҳнатига, балки у эгалик қилаётган мулкнинг миқдорига, мулкрий улушига ҳамда сарфланаётган капитал ҳажмига боғлиқ бўлади ва уларга мувофиқ равишда ўзгариб боради.

Учинчидан, аҳоли даромадларининг фарқланиши бозор қонунлари

⁹ Якубов И.А "Баланс муаммолари" Ўқув қўлланма:Т.:ЎзЁУАЖ нашриёти 2004-йил, 48- бет.

таъсирида бўлиб, шахсий даромадларнинг кучли табақаланишини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш тарзида ўз аксини топади.

Тўртинчидан, иқтисодийнинг ривожланиши билан реал иқтисодий ўсишга эришиш ҳаётий неъматларнинг тақсимланишида давлат таъсирининг кучайишига олиб келади. Натижада, аҳолига ижтимоий ёрдам бериш кўлами кенгаяди.

Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий турмуш имкониятлари унинг даромадлари даражасига боғлиқ бўлади. Инсон даромадининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш саломатлигини сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш вақтини маданий тарзда ўтказиш имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Аҳолининг пул даромадлари меҳнаткашлар учун иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар мулкдан %, дивидентлар, рента кўринишдаги даромадлар, акциялар қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва ҳайвонлари, томорқа хўжалиги маҳсулотлари турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган пул тушумлари, турли хизматлар кўрсатиш учун ҳақлар ва ҳоказолардан ташкил топади.

Аҳолининг натурал даромадлари - қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари боғ-қўрғон, сабзавот-полиз экинлари участкаси, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлардан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий самараси инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришида акс этади. Аҳолининг турмуш даражаси эҳтиёжларнинг қондирилиш меъёри билан ўлчанади. Эҳтиёжнинг асосий жиҳати маҳсулотлар истеъмоли ва қиймати ҳисобланади.

Маълумки, Республикамиз статистикасида уй хўжаликлари бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмлари ўрганилади. Шунга

асосан, уй хўжаликлари бюджетининг истеъмом ва ноистеъмом харажатлари мавжуд бўлиб, улар ҳам алоҳида-алоҳида таркибий қисмларга бўлинади¹⁰. Хусусан, уй хўжаликлари бюджетининг таркиби халқаро стандартлар бўйича қуйидагилардан иборат:

- озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш;
- уйдан ташқарида овқатланиш;
- алкоголь ичимликлар сотиб олиш;
- табак маҳсулотларини сотиб олиш;
- шахсий истеъмом учун ноозиқ-овқат товарларини сотиб олиш;
- хизматлар учун тўловлар;
- пенсия, нафақа ва стипендия;
- кўчмас мулкни сотиш ва арендага бериш даромадлари;
- мол-мулкни сотиш ва арендага бериш даромадлари;
- қариндошлардан ва бошқа шахслардан моддий ёрдам олиш;

Уй хўжаликлари бюджетининг ноистеъмом харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- кўчмас мулк сотиб олиш;
- ер, квартира, уй-жой ва бошқа бинолар учун аренда тўлови;
- асалари, парранда, ҳайвонларни сотиб олиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш хизматлари харажатлари;
- шахсий хўжаликни юритиш харажатлари;
- солиқлар, бадал ва бошқа тўловлар;
- қариндошларга ва бошқа шахсларга моддий ёрдам бериш;
- қайта сотиш учун тадбиркорлик ва индивидуал меҳнат фаолияти учун товарлар сотиб олиш;
- банк муассасаларига қуйилма;
- акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш;

¹⁰ Ўзбекистан Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари

- қарз, ссуда ва кредитларни қайтариш;
- бошқа ноистеъмол харажатлар.

Бундан ташқари, уй хўжаликлари бюджетининг пул даромадлари халқаро стандартлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлардан йиғилади:

Пул кўринишидаги даромад:

- иш ҳақи, бунга мукофот ва таътил пуллари ҳам қўшилади;
- тадбиркорлик фаолиятдан даромад;
- акция банк қуйилмалари, улушлардан % лар ва дивидентлар;

Маҳсулот ва хизматларни сотишдан тушган даромад, шу жумладан:

- кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш;
- деҳқончилик маҳсулотларини сотиш;
- чорвачилик маҳсулотларини сотиш;
- алиментлар;
- бошқа даромадлар, масалан суғурта тўлови, лоторея ютуқлари ва

ҳоказо;

Натура кўринишидаги даромад:

- шахсий томорқа хўжалигидан даромад;
- имтиёзлар;
- натура кўринишидаги бошқа тушумлар;

Бундан ташқари, аҳоли даромадларининг номинал ва реал кўринишлари мавжуд¹¹.

Номинал даромадлар – бу ишловчининг муайян турдаги иш (хизмат) ларни бажаргандан сўнг унинг меҳнатининг натижасига қараб (бунда албатта унинг миқдори ва сифати ҳисобга олинади) бериладиган меҳнат (иш) ҳақи кўринишидаги жами даромадларини ифодалайди.

Реал даромадлар - истеъмол нархларининг индексига қараб тузилган жорий даврдаги номинал пулли даромадлардир. Реал даромад жами пул даромадларидан турли тўловлар (солиқлар, ижтимоий суғуртага

¹¹ Якубов И.А. "Баланс муаммолари фанидан маърузалар матни", Т.:ТДИУ- 2005 йил 51-бет.

ажратмалар) ажратиб ташлангандан сўнги қолган пул даромадини истеъмол нархлари индексига бўлиш ёрдамида аниқланади:

**РД= Номинал даромад-турли хил тўловлар/Истеъмол нархлар
индекси**

Ҳозирги кунда аҳолининг турмуш даражасини тобора яхшиланиб боришида унинг шахсий даромадлари аҳамиятлилиги билан муҳим ўринни эгаллайди. Аҳолининг шахсий даромади бир нечта эементларни ўз ичига қамраб олган таркибий гуруҳлардан ташкил топади (1-жадвал). Хусусан, шахсий даромадлар таркибига қуйидагилар киради:

- Иш ҳақи;
- Меҳнат натижаларини сотишдан олинган даромад;
- Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад;
- Капиталдан олинадиган даромад;
- Таваккалчиликдан тушган тушум;
- Қолдириладиган даромад;
- Ижтимоий даромад;
- Қарз даромадлари;
- Бошқа даромадлар.

Бунинг ичида энг асосийси тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад ҳисобланиб, айни вақтда аҳоли жами даромадларидаги улуши 60-70% ни ташкил этмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланган қисми бу - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдир. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган катта эътибор натижасида аҳоли даромадлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Хатто қишлоқ жойларда ҳам тадбиркорлик фаолияти кенг қўйилган. Бундан ташқари, аҳоли даромадларининг ҳосил бўлиш хусусиятига кўра, адолатли ва адолатсиз даромадларга бўлинади¹².

Аҳолининг адолатли даромади - бу инсоннинг ўз пешона тери билан

¹² А. Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. "Итисодиёт назарияси", дарслик. Т.: "Меҳнат", 1995. 123-бет.

топилган, яъни унинг ақлий ва жисмоний қобилиятига кўра ҳосил бўладиган, унинг меҳнат унумдорлигига қараб қўлига келиб тушадиган даромадлар мажмуидир. Бунга мисол қилиб, ишчи ва ходимларнинг иш ҳақилари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар ва бошқа шунга ўхшаш даромадларни олишимиз мумкин.

Аҳолининг адолатсиз даромадлари - бу инсоннинг кўпроқ, омадига, унинг таваккалчилик қобилиятига кўра ҳосил бўладиган, яъни аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, инсонда кўп меҳнат ва вақт талаб қилмасдан топилиши мумкин бўлган даромадлар мажмуидир. Адолатсиз даромадларга лотереядан чиққан пул ютуқлари, мерос қилиб қолдирилган даромад, жаҳон биржаларида секундига топиладиган миллионлаб пуллар киради.

Ижтимоий омиллар аҳамияти ўсиб бориши аҳоли турмуш фаровонлигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш муҳимлигини англатади. Шунинг учун ҳар қандай ислоҳотлар дастлаб инсон манфаатларини устун даражада эътиборга олиш зарурлигини тақазо этади.

Аҳоли даромадларининг турли кўринишларда намоён бўлиб бориши даромадлар табақаланишига асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли даромад турлари: пул шаклидаги, натурал шаклидаги ва хизматлар шаклидаги даромадларга ажралади. Бундай даромад турлари келиб тушиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилганлиги боис даромадларнинг фарқланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунинг учун даромадлар шаклланиши ва табақаланиши уларнинг бозор ва нобозор даромадларнинг ҳосиласи бўлишига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб боришида унинг шахсий даромадлари муҳим ўринни эгаллайди. Аҳолининг шахсий даромади бир нечта эементларни ўз ичига камраб олган таркибий гуруҳлардан ташкил топади (1-жадвал).

1-жадвал.

Шахсий даромадларнинг элементлари

№	Даромадлар гуруҳлари	Элементлари
---	----------------------	-------------

1	Иш ҳақи	<ul style="list-style-type: none"> - асосий иш жойидан олинадиган даромад; - асосий бўлмаган иш жойидан олинадиган даромад; - ҳарбий хизматчилар пул маблағлари; - мавсумий даромад; - бошқалар.
2	Меҳнат натижаларини сотишдан олинган даромад	<ul style="list-style-type: none"> - фермер даромади; - шахсий томорқадан олинадиган даромад; - уй хўжалигидан тушган даромад; - гонорар; - бошқалар.
3	Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад	<ul style="list-style-type: none"> - тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад; - бошқалар.
4	Капиталдан олинадиган даромад	<ul style="list-style-type: none"> - акциялардан олинадиган дивидентлар; - ижара ҳақи; - капитал фойдаси; - қуйилмалардан олинадиган фоизлар; - бошқалар.
5	Таваккалчиликдан тушган тушум	<ul style="list-style-type: none"> - суғурта таваккалчилигидаги тўлов; - облигациялар бўйича ютуқлар; - лотерея ютуқлари; - спорт мусобақаларидаги ютуқлар; - ўйинлардаги ютуқлар; - ҳар-хил конкурслардан ютуқлар; - бошқалар.
6	Қолдириладиган даромад	<ul style="list-style-type: none"> - мерос; - совға; - хомийлик ёрдами; - алиментлар; - муаллиф меросхўрларига қолидириладиган даромад; - бошқалар.
7	Ижтимоий даромад	<ul style="list-style-type: none"> - вақтинчалик ишга лаёқатсиз бўлган ишчига тўловлар; - ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги тўловлар; - бола туғилишидаги тўлов; - ногиронлик нафақалари; - бошқалар.
8	Қарз даромадлари	<ul style="list-style-type: none"> - банк кредитлари; - корхона кредитлари; - шахслардан олинган қарз суммалари; - бошқалар.
9	Бошқа даромадлар	<ul style="list-style-type: none"> - бошқалар.

Манба: Абакумова Н.Н., Подвалова Р.Я. “Политика доходов заработной платк”. М.: ИНФРА - М, 1999 42-с.

1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиши

Ижтимоий омиллар аҳамияти ўсиб бориши аҳоли турмуш фаровонлигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш муҳимлигини

англатади. Шунинг учун ҳар қандай ислохотлар дастлаб инсон манфаатларини устун даражада эътиборга олиш зарурлигини тақазо этади.

Бозор иқтисодиёти қонунига кўра, бозор муносабатлари шароитида аҳоли даромадлари ўртасида табақалашув юзага келиши табиий бир ҳолдир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчи субъектларнинг турли омиллар таъсирида табақаланишини юзага чиқаради. Бундай табақаланиш бозор талаблари доирасида турлича ёндашувлар орқали, яъни мажуд иқтисодий ресурслар қай даражада самарали ишлатилишига қараб, пировард натижанинг ҳам фарқланишига олиб келади.

Инсон манфаатлари устун қўйилиши, иқтисодий эркинлик кафолатлари берилиши фаровонликка эришиш гаровидир. Бунда иқтисодий эркинлик даромад топиш эркинлигини келтириб чиқаради. Даромадлар шаклланиши ва табақаланишига:

- ижтимоий-иқтисодий эркинликка бўлган интилиш;
- даромад келтирувчи мулкка эга бўлиш, уни тасарруф этиш ва ишлатиш;
- ижтимоий субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишга мойиллиги;
- бозор иштирокчиларининг имконият даражасида кам ресурс сарфлаб, кўпроқ даромад олиш ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган ҳаракати;
- эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бунинг учун ижтимоий институтлар хизмати талаб даражасида ташкил этилганлиги каби иқтисодий эркинлик омиллари таъсир кўрсатади.

Иқтисодий эркинлик тадбиркорлик билан шуғулланишни иқтисодий табақаланиш шароитида тенг рақобатчилик орқали юз беришини тақазо қилади. Шунинг учун юқорида санаб ўтилган иқтисодий ҳолат юзага келганида ишлаб чиқарувчи субъектларнинг иқтисодий омилларга эга бўлиш ва ўзлаштириш жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланиши объектив жараён сифатида намоён бўлиб боради¹³.

¹³ Абдурахмонов Қ.Х, Ҳолмўминов Ш.Р. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ
26

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх назорати ва савдо-сотиқ эркинлиги иқтисодиётнинг эркинлашиши сифатида тушунилади. Лекин иқтисодий эркинликни таъминлашда турли мамлакатлар миллий иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг эркинлаштириш қоидаларини ишлаб чиқади. Ўзбекистонда иқтисодий эркинликни таъминлашда, энг аввало, назорат қилувчи ва текширувчи органлар фаолиятини чегаралаш қоидасига асосий урғу берилди. Чунки ўтиш даври иқтисодиётида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш силлиқ кечадиган жараён эмас эканлиги ва буни тартибга солиб туриш заруратининг муҳимлиги натижасида давлат иқтисодиёт субъектлари фаолиятига аралашиб туради ҳамда иқтисоднинг бирмунча изга тушиши билан улар эркинлигини кенгайтирадиган чора-тадбирларни ишга солиб боради. Шу билан бирга, иқтисодий эркинликни таъминлаш борасидаги давлатнинг саъй-ҳаракатлари даромад топиш ва уни ўзи билгандай ишлатиш учун эркинлик бериш, бунинг учун объектив механизм яратилишини тақозо қилади. Демак иқтисодий эркинлик даромад эркинлигини таъминлаш орқали юз беради.

Иқтисодий эркинлик энг аввало, мулк шаклларининг турли-туманлиги билан боғлиқдир. Мулккий плюриализм хўжалик юритиш шаклларининг хилма-хиллигини таъминлайди. Даромад топишда мулкнинг иштироки, унинг моддий ёки меҳнат шаклларида қатъий назар, бозор талаби доирасида амал қилиб боради. Бунда, бир томондан иқтисодиёт субъектларининг ўзаро ҳамкорлигида муроса юзага келса, иккинчи томондан максимум даромадга эга бўлиш борасида рақобат пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарувчи субъектларнинг турли омиллар таъсирида табақаланишини юзага чиқаради. Бундай табақаланиш бозор талаблари доирасида турлича ёндашувлар орқали, яъни мавжуд иқтисодий ресурслар қай даражада самарали ишлатилишига қараб, пировард

натижанинг ҳам фарқланишига олиб келади. Демак бозор муносабатларининг субъектлар фаолиятига таъсири улар олаётган даромадлар даражаси, манбаи ва миқдорининг ҳам ҳар-хил бўлишини юзага келтиради.

Кишиларнинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан фарқланиши табиий юз берадиган жараён бўлганлигидан, уларнинг олаётган даромадлари кам табақаланиб боради. Шунинг учун даромадларни илмий тадқиқ этишда унинг табақаланиши тамойилига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади.

Аҳоли даромадларининг турли кўринишларда намоён бўлиб бориши даромадлар табақаланишига асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли даромад турлари: пул шаклидаги, натурал шаклидаги ва хизматлар шаклидаги даромадларга ажралади. Бундай даромад турлари келиб тушиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилганлиги боис даромадларнинг фарқланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунинг учун даромадлар шаклланиши ва табақаланиши уларнинг бозор ва нобозор даромадларнинг ҳосиласи бўлишига боғлиқ бўлади.

Даромадлар табақаланиши иқтисодий вазиятнинг турли шарт-шароитлари таъсирида кечади. Бу борада даромадлар келиб тушиши жиҳатидан қонуний ва ноқонуний тус олади. Иқтисодий эркинлик даражаси қанча чегараланган бўлса, шунга нисбатан даромадлар келиб тушиши ҳам юқори бўлиши мумкин. Аммо, бу қоида яширин иқтисодиёт иштирокчиларига тўғридан-тўғри таъсир қилмаслиги мумкин. Шунинг учун даромадлар эркинлиги ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш самарадорлигини оширади. Албатта, даромад тушунчаси қонуний йўл билан иқтисодий натижа сифатида намоён бўлишни англатади. Лекин, даромад топиш учун барча субъектлар ҳам тўғри йўлдан боравермайди. Шу боис, даромадлар табақаланишида турли манбалар ҳисобга олиниши керак бўлади. Даромадлар мавжудлигининг ўзига ҳос хусусиятларидан бири - субъектларнинг қўлга киритган даромадлари ошкора қилинишига йўл бермаслигидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда бозор ва нобозор

даромадлари субъектларнинг иқтисодий табақаланишига асос сифатида таъсир қилмоқда. Даромадлар табақаланишида бозор даромадлари иқтисодий маъқеи унинг таъсир доираси кенгайиши билан боғлиқдир. Чунки бозор даромадлари кишиларнинг ўзини-ўзи ҳимоя қилиш қоидасига бўйсунди. Даромаднинг бу тури бозор учун ишлаш, ресурсларни самарали ишлатиш ва тан олинган натижага тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўлади. Бозор даромадлари дастлаб, даромад топиш йўлида ресурсларни самарали тақсимлашда иштирок этади. Кейинчалик у ресурслар сарфига нисбатан кўпроқ даромад олишда намоён бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шакл ва усуллари доирасида даромадлар сиёсати муҳим ўрин тутди. Бунда давлат даромадларни қайта тақсимлаб, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаб туришга интилади¹⁴.

Нобозор даромадлари бозор учун ишлаш қоидасига бевосита мос келмайди. Нобозор даромадлар жамиятдаги ижтимоий муносабатлар доирасида тадбирларни амалга оширишни тақазо қилади. Нобозор даромадлар таркибига ўзгалар давлат ҳимоясига муҳтожлик қоидасига амал қилиш ҳам киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат аҳолисининг ҳаммаси ҳам ўзини-ўзи даромад билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун давлат кам даромадли аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади. Давлатнинг даромадлар борасидаги сиёсатида иш ҳақи энг кам миқдорини белгилаш ва тирикчилик минимумини аниқлаб бориш асосий ўрин тутди. Тирикчилик минимумини аниқлашда ҳар бир мамлакат ўзига ҳос хусусиятдан келиб чиқади. Бунда камбағалликнинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилиб, муҳтожлик даражаси аниқланади. Шунинг учун аҳоли даромадлари табақаланишида бозор ва нобозор даромадлар даражаси бевосита ҳисобга олинади.

Ҳозирги пайтда республикамиз иқтисодиёти тармоқларида даромадлар

¹⁴ Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я. “Политика доходов и заработной платы” М.: ИНФРА - 1999. 213-стр

табақаланиши турлича кечмоқда. Бундай ҳолат даромадларнинг табақаланиши омиллари фарқланишидан келиб чиқади. Чунки ҳар бир тармоқда иш ҳақининг фарқланиши ички омиллар ҳисобига юзага чиқади. Бир тармоқ иккинчи тармоқ билан ўзвий боғлиқлиги ҳам пировард натижаларга таъсирини ўтказди.

Даромадлар табақаланиши хусусиятларини изоҳлашда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича иш ҳақининг турлича даражада эканлигига эътибор бериш керак бўлади. Чунки ислохотлар жараёни тармоқларда турлича кечмоқда ва бу ўз навбатида, иш ҳақининг ҳам ҳар-хил бўлишига олиб келади.

Статистик маълумотлардан маълум бўлишича, 1991-1995 йилларда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш ҳақи даражаси бўйича кучли фарқланиш содир бўлган. Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи ўртача республика даражасидан 30%, саноат тармоқларидагига нисбатан 2,3 марта фарқ қилган. Қишлоқ хўжалигида иш ҳақининг нисбатан кам даражада эканлиги ишлаб чиқаришнинг табиий шарт-шароитларга боғлиқлиги ва мавсумий хусусият касб этиши билан бирга, унинг молиявий ҳолати ночорлиги билан ҳам изоҳланади¹⁵.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари ўртасида ҳамиша тафовут мавжуд бўлиши реал воқелиқдир. Даромаднинг келиб тушиши ва унинг ишлатилиши ҳолати турлича бўлади. Аҳолининг даромад топиш қобилияти ва уни мақсадга мувофиқ ишлатилиши ўртасидаги фарқ ҳам муҳим рол ўйнайди. Даромадлар табақаланиши дастлаб, даромадларнинг келиб тушишига боғлиқ ҳолда юз беради. Даромадларнинг ишлатилиши ҳам кейинги босқич сифатида ижтимоий табақаланишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий эркинлик даромадлар табақаланишини келтириб чиқарувчи объектив асос сифатида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий эркинликнинг қай даражада бўлишига қараб,

¹⁵ Бозор, пул ва кредит" журнали, 2002 йил, №2, Р. Ҳасанов - "Аҳоли даромадларининг табақаланиши", 34-36 бетлар.

даромадлар табақаланиши ҳам ўзгариб туради. Иқтисодий эркинлик ва даромадлар табақаланишига қуйидагилар муҳим таъсир кўрсатади:

- хусусий мулк мавқеи ва таъсир доирасининг ортиб бориши унинг иқтисодиётда етакчи кучга айланиши;

- кичик ва ўрта бизнес ривожланиши ҳисобига иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун объектив иқтисодий вазият ва механизм яратилиб борилади. Натижада, даромадлар шаклан хилма-хил бўлиши ва уларнинг миқдор жихатидан ўсиб боришига эришилади;

- кўчмас мулк олди-сотди муносабатлари авж олиши ҳисобига жамиятда мулкдорлар синфининг таркибий қисми сифат жихатидан ўзгариб боради ва мулквий табақаланишнинг янги ҳолати ташкил топади;

- миллий ва хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига жалб қилиниши реал шаклда амалга оширилиши учун моддий имкониятлар кенгайиши кузатилади ва даромадлардан инвестиция қилиш йўлида фойдаланиш даражаси ортади;

- мамлакатда экспорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш таркиби шаклланиши ва амал қилиши бозор турларининг янада ривожланиши ҳамда уларнинг ихтисослашуви кучайишига олиб келади;

- ишлаб чиқарувчиларнинг бозор талаби доирасида кучли табақалашуви соғлом рақобат муҳити қарор топишини таъминлайди ва бу даромадлар табақаланишида ўз ифодасини топади;

- мамлакатнинг экспорт салоҳияти ва қудрати ортиши натижасида унинг жаҳон бозоридаги таъсири ортиб боради.

Юқорида таъкидланган ижобий ўзгариш иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида босқичма-босқич таъминланади.

II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ, УЛАРНИНГ ТАҚҚОСЛАНМА ТАҲЛИЛИ

2.1. Аҳоли даромадлари манбалари таҳлили.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилашни таъминлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенг қамровли тадбирларни мунтазам равишда амалга оширилиб боришини тақозо этади. Ана шундай муҳим тадбир ва йўналишлардан бири аҳоли даромадларини оширишнинг манбаларини шакллантиришни ташкил этиш, турмуш даражани яхшилашнинг жозибадорлиги ҳисобланади. Ушбу жараёнларнинг макро ва микро даражадаги фаолиятини ташкил этиш зарурияти, шарт-шароитлари, омиллари ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда аҳоли турмуш даражасини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ролини янада ошириш учун авваламбор тармоқларнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишчи кучидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги, меҳнат ресурсларининг фаоллиги, пировардида эса шаклланган аҳоли даромадлари ҳолатини таққосланма таҳлил этиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим омил ҳисобланади. Ваҳоланки, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қай даражада мукамал бўлмасин, улар, авваламбор моддий маблағлар билан таъминланган бўлмоғи лозим. Аҳоли даромадларининг республика иқтисодиётида тутган ўрни ўз навбатида янги иш ўринларининг яратилиши ва аҳолининг иш билан бандлигини ошириш зарур эканлигини кўрсатади¹⁶. Шунингдек республикамизда амалга оширилаётган таркибий-институционал ўзгаришлар аҳоли даромадларини оширишга янгича ёндашувни ва аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, айниқса қишлоқ, хўжалиги аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашда устуворлик қишлоқ хўжалик корхоналарига, яъни фермер хўжаликларига берилишини тақозо этади. Бу эса, қишлоқ хўжалигида истиқомат қилаётган аҳолининг мавжуд шаклланган тадбиркорлик фаолиятини бозор тамойилларига ва амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан

¹⁶ Шодмонов Ш., Жўраев Т. "Иқтисодий таъминоти". Дарслик. Т.: "Иқтисодчи" - 2004. 69-бет.

мутаносиблигини таъминлаш учун аҳоли даромадларини оширишнинг асосий йўналишларини бевосита фермер хўжаликлари манфаатдорлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни талаб этади.

Аҳоли даромадларининг асосий манбаларини қуйидагилардан ташкил топади:

- Иш ҳақи;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушадиган тушум;
- Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий трансфертлар;
- Тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушум ва бошқалар;
- Мулкдан келадиган даромад;
- Бошқа даромадлар.

2-жадвалда акс эттирилганидек ўтган тўрт йил давомида, яъни 2004-2007 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти аҳолисининг жами пул даромадлари сезиларли даражада ўсиб борди. Хусусан, 2005 йили 2004 йилга нисбатан 20,7% га ошган бўлса, 2006 йили 2005 йилга нисбатан 30,2 % га, 2007 йил эса 2006 йилга нисбатан 26,8% га ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Пул даромадларининг шаклланиш манбаларига эътибор қаратадиган бўлсак кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва қонунлар, асосан тадбиркорлик фаолиятини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгани боис, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромади 2004 йили жами даромадларнинг 54% ини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб 60% ни, 2006 йил 53% ини, ва ниҳоят 2007 йилга келиб эса бу кўрсаткич жами даромаднинг 55% ини ташкил этди. Бундан ташқари, давлатимизнинг ғамхўрлиги, яъни кучли ижтимоий сиёсат юритишидан келиб чиқиб, аҳолига бериладиган, ижтимоий трансферт тўловлар, яъни пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ижтимоий-моддий ёрдам пуллари ҳам аҳолининг жами пул даромадлари улушида салмоқли ўрин тутади. Буни албатта ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки, аҳоли қанчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлса, асосан, ўз меҳнати эвазига эмас балки, давлат томонидан берилган беғараз ёрдам

хисобига тирикчилик кечирадиган, меҳнат ресурсларига бой давлатнинг келажигига асло умид қилиб бўлмайди. Лекин, мамлакатимиз бундай давлатлар сирасига асло кирмай, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли даромадлари ўртасида кескин фарқланишни олидини олиш юзасидан қўллаётган ижтимоий сиёсатдир. Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳолининг ижтимоий трансферт тўловларидан оладиган даромаднинг жами даромаддаги улуши йиллар мобайнида, 2004-2007 йиллар давомида, камайиб борган, лекин шунга қарамай аҳолининг турмуш даражаси, жон бошига тўғри келадиган даромадлари кўрсаткичлари ошиб борган. Бу деган сўз, аҳоли ўз даромадларини топишнинг турли манбаларини шакллантириши эвазига, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши, ташқи меҳнат миграциясини йилдан-йилга ошиб бориши эвазига аҳоли даромадлари ошиб борганини кузатишимиз мумкин. Статистик маълумотларга кўра, 2006 йил давомида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ташқи меҳнат миграцияси ҳисобидан, яъни расмий ва норасмий меҳнат миграцияси орқали республикамиз ҳудудига 1,2 млрд АҚШ доллари миқдорида пул кириб келган бўлса, Қашқадрё вилояти аҳолисининг ташқи меҳнат миграциясига эътибор қаратадиган бўлсак вилоят ҳудудига ҳар бир мигрант 200 АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ киритган¹⁷.

1-диаграммадан кўриниб турибдики, 2004 йили вилоят аҳолиси пул даромадининг ярмидан ортиқроқ қисми тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромад ҳиссасига тўғри келган.

Даромаднинг салмоқли қисмини ташкил этган, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий трансферт тўловлари 2004 йили жами пул даромадининг 27% ини ташкил этган бўлса, 2005 йилга бу кўрсаткич камайган, яъни

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари




Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йиллар давомида аҳоли пул даромадлари таркиби

(млн. сўм ҳисобида)

	Аҳолининг пул даромадлари	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
1	Иш ҳақи	89718	91823	178347,9	258800,8
2	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушадиган тушум	5560,6	6235,5	7356,8	9325,1
3	Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий трансфертлар	145803,9	151443,5	198622,4	201456,3
4	Тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушум ва бошқалар	292020,1	392737,7	453218,7	595132
5	Бошқа даромадлар	8597,3	11235,6	12754,6	13451,2
	Жами пул даромадлари	541700,2	653475	850300,3	1078165,4

Манбаа: Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида аҳоли пул даромадлари таркиби динамикаси



■ Тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган тушум ва бошқалар
 ■ Пенсия, нафақа ва бршқа ижтимоий трансфертлар

■ Иш хаки
 ■ Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушадиган тушум
 ■ Бошқа даромадлар

Манбаа: Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

даромаднинг 23% ини ташкил этган холос. Бу албатта аҳоли даромад манбаининг кўпайишига олиб келганлигидан далолат беради. 2006 йилда эса, бу ҳол бир озгина ўзгарганини кузатамиз, яъни пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий трансферт тўловлари жами даромаднинг 23% дан ортиқроқ қисмини, 2007 йилда эса 19% инигина ташкил қилган холос.(1-4 диаграмма)

2004-2007 йиллар давомида вилоят аҳолисининг даромадлари йилдан йилга ўсганлигини юқоридаги жадвалдан кузатишимиз мумкин, лекин Қашқадарё вилояти аҳолисининг 75% дан ортиқроқ қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилиши ва даромадининг асосий қисмини қишлоқ хўжалигидан олишини эътиборга оладиган бўлсак, 1-диаграммадан кўриниб турганидек жами даромаднинг атиги 1% ини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган тушум ташкил этган. 2006 йил ва 2007 йиллари ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган тушум жами даромадларнинг 2004–2005 йиллар сингари атиги 1% ни ташкил этган. Шунинг ҳисобига Қашқадарё вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромадлари Республика миқёсида 2006 йили бешинчи ўринларни эгаллаган (3-жадвал). Ваҳоланки, 28,6 минг кв.км. ер майдонига эга Қашқадарё вилояти асосан, суғориладиган ер майдонларига, бундан ташқари ер бонитети юқори бўлган ерларга эга вилоятдир. Бунда асосий муаммони ер эгаларининг ерлардан унумли фойдалана ололмаётганлигида ёки, бошқача қилиб айтадиган бўлсак ер ўзининг ҳақиқий эгасини ханузгача топа олмаётганлигида кўришимиз мумкин. 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек Қашқадарё вилояти аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган даромадлари 2006 йил якунига кўра, атиги 348,1 минг сўмни ташкил этган холос. Бу деган сўз, ўртача олиб қараганда, вилоятнинг ҳар бир кишисига ойлик даромади 40,9 минг сўмнигина ташкил этган. Янада аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак аҳолининг жон бошига тўғри келадиган бир кунлик даромади 1300 сўмни ташкил этади. Ваҳоланки, 1300 сўм ҳозирги шароитдан келиб чиқсак инсоннинг физик ҳолатини нормал ҳолатда сақлаб туришлиги учун етарли эмас. Вилоят аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган харажатларига

эйтиборни қаратадиган бўлсак 2006 йил давомида йиллик сарфланган харажати 291,8 минг сўмни, ойига 24,3 минг сўмни, кунига эса ўртача хисобда 811 сўмни ташкил этган холос. Бунга сабаб, биринчи навбатта, мавжуд имкониятлардан, яъни иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланмасликдадир.


3-жадвал
Ўзбекистон Республикасида 2006 йил мобайнида аҳоли жон бошига
тўғри келадиган кўрсаткичлар
(минг сўм)

		Даромадлар	Харажатлар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	280,8	214,7
2	Андижон	425,7	411,3
3	Бухоро	465,0	428,0
4	Жиззах	305,4	256,6
5	Қашқадарё	348,1	273,1
6	Навоий	737,3	527,8
7	Наманган	320,1	291,9
8	Самарқанд	315,9	291,8
9	Сурхондарё	382,0	315,9
10	Сирдарё	364,3	313,8
11	Тошкент	488,9	449,8
12	Фарғона	386,9	369,2
13	Хоразм	356,0	335,8
14	Тошкент ш.	1655,0	2026,2
Ўзбекистон Республикаси		489,1	478,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

5- диаграмма

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

5-диаграммага эътибор берсангиз, Ўзбекистон Республикасида 2006 йил мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача кўрсаткичдан юқори натижаларга эришган фақатгина Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятлари бўлиб, республика пойтахтининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромади 1655 минг сўмни ташкилган бўлса, Навоий вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромади 737,3 минг сўмни ташкил этди. Кўриб турганингиздек бу вилоятларда саноат яхши ривожлангани, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар сони йилдан-йилга тобора ошиб бораётгани боис, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бормокда. Энди, энг қуйи кўрсаткичларга эътибор беринг. Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятлари 2006 йил мобайнида республикада аҳолининг тумуш даражаси пастлиги ва унинг аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромади қуйилиги жиҳатидан энг пастки ўринларни эгаллаган. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромади 2006 йил мобайнида атиги 280,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, Жиззах вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромади 305,4 минг сўмни ташкил этган холос. Маълумки, аҳолининг турмуш даражаси сифат кўрсаткичлари унинг қилган харажатлар миқдорига қараб ҳам белгиланади. Харажат кўрсаткичларнинг юқорилиги бўйича ҳам республикамизда пойтахт аҳолиси энг юқори ўринни эгаллаган. Навоий вилояти эса, ҳар доимгидай яна юқори дан иккинчи ўринда турибди. Яъни Тошкент шаҳри аҳолиси жон бошига тўғри келадиган харажатлари миқдори 2006 йил давомида 2026,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, Навоий вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган харажатлари миқдори 527,8 минг сўмни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак 2004-2007 йиллар давомида Қашқадарё вилояти аҳолиси даромадларини ўсиши тенденцияси жуда ҳам секинлик билан кузатилган. Аҳоли даромадларини оширишга таъсир этувчи омиллар, яъни яратилган янги иш ўринлари сонини, аҳолининг меҳнат билан бандлигини янада ошириб боришга, иқтисодиётда банд аҳолининг иш ҳақиси миқдорини ошириб бориш кузатилди. Шу ўтган 4 йил давомида

аҳоли даромади асосан, тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушиши билан биргаликда, вилоятда 2004-2007 йиллар мобайнида фуқароларнинг ташқи меҳнат миграцияси ҳам ривожланиб борди. Натижада, чет мамлакатда ишлаб оила аъзолари ва қариндошларига валюта юбориши ҳисобига вилоятда уй-жойлар нархи кескин ошиб борди ва ҳозирги кунга келиб, республикамизда уй-жойлар нархи юқорилиги жиҳатидан Қарши шаҳри олдинги ўринларда туради. Бунга биргина четдан кириб келаётган валюта миқдори эмас, балки, 1990 йилдан буён Қарши шаҳрида кўп қаватли уйлар қурилмаётганлиги асосий сабаб бўлиб қолмоқда. Шунини ҳисобга олиб, Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи корхоналари билан биргаликда, қурилиш корхоналари сонини ҳам ошириб бориш, уларнинг фаолиятига янада имтиёзлар бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг ҳозирги ҳолати ва уларнинг таққосланма таҳлили.

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиб борар экан, унинг биринчи галдаги вазифаси, албатта, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, даромадларини янада оширишдан иборатдир. Шу маънода юртбошимизнинг 2007 йил 12 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида шундай деганди: "2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир устувор вазифа — бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат"¹⁸.

Бу вазифанинг ечими мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида наинки улкан ижтимоий аҳамиятга эга, айни пайтда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, десак

¹⁸ Каримов И.А.- "Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир". Ўзбекистон овози газетаси. 2007 йил 13 февраль.

хақиқатни айтган бўламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, иш ҳақининг ҳар қандай оширилиши кўплаб омил ва сабабларга, биринчи навбатда, иқтисодий тараққиёт самарадорлигига, корхоналар, бутун мамлакат молиявий барқарорлигининг ўсишига, пул муомаласининг мутаносиблиги ва миллий валютамиз — сўм курсининг барқарорлигига бевосита боғлиқ.

Реал иш ҳақининг ошиши истеъмол товарлари, ички бозоримизнинг харидоргир, сифатли маҳсулотларга тўлдирилиши ва энг муҳими, инфляция даражаси билан узвий боғлиқ. Акс ҳолда, нарх-навонинг кўтарилиши иш ҳақининг ҳар қандай оширилишини йўққа чиқариши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, реал иш ҳақининг ошиши — бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаётганини, мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яққол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичдир.

Республикаси аҳолисининг 2007 йил мобайнидага ижтимоий ҳаёт тарзига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йили аҳолининг иш билан бандлиги ошиши билан бир қаторда, аҳоли турмуш даражасининг изчил ўсиши таъминланди. Шу мақсадда қўшимча равишда 630 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилиб, уларнинг қарийб учдан икки қисми қишлоқ жойларда очилди. Янги иш ўринларининг 65 фоизга яқини кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари, 20 фоиздан ортиғи касаначилик соҳаси ҳиссасига тўғри келди. Аҳолининг реал даромадлари эса ўртача 27 фоизга кўпайди. Статистик маълумотларга кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириши учун минимум даражада зарур маблағнинг 99 фозини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробарга ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз, авваламбор қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити ва сифати ҳам босқичма-босқич яхшиланиб бормоқда.

Ўтган даврда, халқаро молия тузилмалари маблағларини жалб этган

холда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Самарқанд ва Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. 2007 йил қишлоқ жойларида 1,6 минг км дан ортиқ сув қувурлари ва 710 км газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган чора тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2007 йилнинг ўзида қорамол боқиш билан шуғулланадиган 350 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

Бу эса уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларининг умумий сони эса 1 млн нафардан ошиб кетди.

Янги иш ўринларни ташкил этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар 2007 йилнинг охирига келиб, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлар сонини мамлакатимиз бўйича 5% гача камайтириш имконини берди.

Яқин уч йил ичида иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайди. 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ доллар миқдorigа тенг бўлди¹⁹. Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар бевосита аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилганига шак шубҳа йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари бевосита иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини оширишга қаратилган (4-жадвал.)

¹⁹ И.А.КАРИМОВ – “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. “Халқ сўзи газетаси”, 9 февраль, 2008 йил

4- жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000-2008 йилларда “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” ги фармонлари

(сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	29.06.01 кадар	29.06.01 №ПФ- 2893	Ошиши %да	26.03.02 №ПФ- 3045	Ошиши %да	01.07.02 №ПФ- 3101	Ошиши %да	02.04.03 №ПФ- 3231	Ошиши %да	01.07.04 №ПФ- 3450	Ошиши %да	01.05.0 5 №ПФ-	Ошиши %да	01.07.06 №ПФ-	Ошиши %да	01.11.06 №ПФ-	Ошиши %да
1	Энг кам иш ҳақи	2450	3430	140	3945	115	4535	115	5440	120	6530	130	7835	120	9400	120	12420	130
2	Ягона таъриф сеткаси бўйича бошланғич разряд	2450	3430	140	3945	115	4535	115	5440	120	6530	130	7835	120	9400	120	12420	130
3	Ёшга доир пенсия	4840	6780	140	7800	115	8970	115	10760	120	12920	130	15505	120	18600	120	24200	130
4	Болаликдан болаларга бериладиган нафақа	4840	6780	140	7800	115	8970	115	10760	120	12920	130	15505	120	18600	120	24200	130
5	Иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа	2935	4110	140	4725	115	5435	115	6520	120	7825	130	9390	120	11260	120	14700	130

“NORMA” меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2004 йили Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақи 6530 сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йили 7835 сўмни, 2006 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 12420 сўмни, 2007 йилда 18630 сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг март ойи ҳолатига кўра эса бу кўрсаткич 20865 сўмни ташкил этди. Яъни аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак 2005 йили энг кам иш ҳақи 2004 йилга нисбатан 1,3 мартага ошган бўлса, 2006 йили 2005 йилга нисбатан 1,2 мартага ошган. Ёки бўлмаса, 2007 йили 2006 йилга нисбатан 1,25 мартага кўпайган. Ва ниҳоят 2008 йилнинг март ойи ҳолати 2004 йилга нисбатан 3,2 мартага ошган. Бу деган сўз аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақиси ўтган тўрт йил давомида 3,2 мартага ошган. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб борган. Хусусан, биргина Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йиллар мобайнида ўртача бир ойлик иш ҳақини ўсишига эътибор қаратидиган бўлсак бу давр мобайнида вилоят бўйича жами кўрсаткич, 2004 йили 56,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, 91,8 минг сўмни ташкил этган, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак 2005 йили ўртача бир ойлик иш ҳақи 2004 йилга нисбатан 1,6 мартага кўпайган. 2007 йилга келиб эса, ўртача бир ойлик иш ҳақи сезиларли даражада ўсди, яъни 258,8 минг сўмни ташкил этиб, 2004 йилга нисбатан 4,5 мартага ошган (5-жадвал). Ўтган 2007 йили ўртача бир ойлик иш ҳақини ўсишига асосий сабаб, мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ёки уларга яратилётган қулай шарт-шароитлар мавжудлигидадир.

5-жадвалдан шу нарсани кузатишимиз мумкинки, Қашқадарё вилояти бўйича ўртача бир ойлик иш ҳақи 2004 йили 56,7 минг сўмни ташкил этиб, шу йилги энг кам иш ҳақидан 8,7 баробар миқдорида юқори бўлган бўлса, 2005 йили 91,8 минг сўмни ташкил этди ва мазкур йилдаги энг кам иш ҳақидан 11,7 баробар миқдорида юқори ва ниҳоят 2007 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 258,8 минг сўмни ташкил этиб базис йилдаги Президент фармонида кўра, 2007 йил 10 июлда қабул қилинган энг кам

5-жадвал

Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йилларда ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси

(сўм ҳисобида)



	Шаҳар ва туманлар номи	2004	2005	2006	2007
1	Ғузор	61804	102310	170292,9	247187,9
2	Дехқонобод	29349	49500	111088,7	161250,5
3	Қамаши	29305	56220	106933,2	155214,3
4	Қарши	38333	57951	107498,6	156039,4
5	Косон	36104	78510	148370,9	215367,5
6	Китоб	33539	79660	127555,5	185152,9
7	Миришкор	31519	42410	123052,2	182872,5
8	Муборак	75285	99660	186229	270320
9	Нишон	56760	98500	160328,7	232724,2
10	Касби	34425	53450	119299,3	173081,5
11	Чироқчи	36277	51390	112311,1	163024,9
12	Шахрисабз	33205	89450	146529,5	212682,7
13	Яккабоғ	30184	62800	144097,2	209164,1
14	Қарши шаҳри	70516	102300	185933,5	269744,7
	Вилоят бўйича	56718	91822	178347,9	258800,8

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

иш ҳақи миқдоридан, яъни 18635 сўмдан 13,9 баробар юқори бўлишга эришилган. Кўриниб турганидек Қашқадарё вилоятида ўртача бир ойлик иш ҳақининг ўсиши ўтган 4 йил давомида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак 2007 йили 2004 йилга нисбатан 4,5 баробарга ошган. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониغا кўра қабул қилинган энг кам иш ҳақи миқдори эса, 2007 йили 2004 йилга нисбатан 2,9 баробарга ўсган. Демак энг кам иш ҳақини ўсиш тенденцияси 2004-2007 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятида ўртача бир ойлик иш ҳақини ўсиш тенденциясидан 1,5 мартага паст бўлган.

Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йиллар мобайнидаги туманлар кесимида ўртача бир ойлик иш ҳақи таҳлилига тўхталадиган бўлсак, 2004 йили вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган туманлар Ғузор 61,8 минг сўми, Муборак 75,2 минг сўми ва Қарши 70,5 минг сўми ташкил этган бўлса, худди шу йили энг паст кўрсаткичларга эришган туманлар Қамашу тумани 29,3 минг сўми, Деҳқонобод тумани 29,3 минг сўми ва Яққабоб тумани 30,1 минг сўми ташкил этган. 2006 йили вилоятдаги ўртача бир ойлик иш ҳақи вилоят ўртача кўрсаткичидан фақатгина Қарши шаҳри ва Ғузор туманининг кўрсаткичи юқори бўлишга эришди, яъни 185,9 минг сўм ва 170,2 минг сўмни ташкил этиб, 2004 йилга нисбатан Қарши 2,6 ва Ғузор тумани 2,7 мартага ошганлигини кузатишимиз мумкин. Ва шу йилги энг паст кўрсаткич эса, Қамашу ва Қарши туманларига тўғри келиб, атиги Қамашу тумани 106,9 ва Қарши тумани 107,4 минг сўми ташкил этган ва 2004 йилга нисбатан Қамашу 3,6 ва Қарши тумани 2,8 мартага ўсишга эришган холос. 2007 йилга келиб эса, фақат Қарши шаҳрининг ўртача ойлик иш ҳақи вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. Маълумки, Қарши шаҳрининг республикамизда тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, унинг қадимийлиги, навқирон шаҳарлиги бутун дунёни ўзига жалб этади. Буларнинг барчаси, яъни Қашқадарё вилоятини янада кўркамлаштирадиган, унинг аҳолиси турмуш даражасини яхшилайдиган фақатгина битта омил мавжуд, бу ҳам бўлса, унинг иқтисодий ҳолати, ёки республикамизда тутган

Қашқадарё вилоятида 2004-2005 йилларда ўртача ойлик иш ҳақи динамикаси



- Ўзгир ■ Деҳқонобод ■ Қамаши ■ Қарши ■ Косон
- Китоб ■ Миришкор ■ Муборак ■ Нишон ■ Касби
- Чирокчи ■ Шаҳрисабз ■ Яккабўғ ■ Қарши шаҳри

Манба:Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

иқтисодий ўрнидир. 6-жадвалга эътиборни қаратадиган бўлсак ўтган етти йил мобайнида Республика аҳолиси пул даромадлари юқори тенденциялар билан ўсиб борди. Шунинг билан бир қаторда Қашқадарё вилояти аҳолиси пул даромадлари ҳам шу етти йил ичида секинлик билан бўлса-да ошиб борди. Жумладан, 2000 йили республика аҳолиси жами пул даромадлари 2377,4 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, Қашқадарё вилоят аҳолиси пул даромадлари республика умумий кўрсаткичининг 12,0% ига тенг бўлиб, 284,3 млрд.сўмни ташкил этди. 2003 йилга келиб эса, вилоят аҳолисининг жами пул даромадлари республика аҳоли пул даромадларининг 8,1% ини ташкил этган ва ниҳоят 2006 йили эса, ушбу кўрсаткич бўйича вилоятнинг республика умумий кўрсаткичидаги улуши 6,5% ни ташкил этган. Кўришиб турибдики, Республика аҳолиси пул даромадлари ўсиш суръати тезлиги билан Қашқадарё вилояти аҳолиси пул даромадлари ўсиш суръати тезлиги тубдан фарқ қилади. Хусусан, 2000 йил билан 2006 йил ўртасидаги фарқни солиштирадиган бўлсак бунда 5,2% га камайиш кузатилганини кўришимиз мумкин. Бундан келиб чиқадики, Қашқадарё вилояти Республикада жойлашган 14 та ҳудуд ўртасида тараққий этиш жиҳатидан қуйи ўринларни эгаллайди. Хусусан, юқорида келтириб ўтганимиздек аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар жиҳатидан Қашқадарё вилояти охиридан бешинчи ўринни эгаллаган. Бунга асосий сабаб, вилоятда меҳнат ресурслардан унумли фойдаланмаслик ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак иқтисодиётда банд аҳолининг меҳнат унумдорлиги кескин тушиб кетаётганлигидадир. Бундан ташқари, вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг, хусусан, ақлий салоҳиятга эга бўлган аҳолининг аксарият қисми ҳозирги кунда чет давлатлардадир. вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа вилоятларга қараганда ҳаддан ташқари зиёдлиги муносабати билан ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг аксарият қисми чет мамлакатларга ишга, ўқишга ва бошқа сабаларга кўра чиқиб кетган ва кетмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, вилоятда ишчи кучи миграциясини давлат шартномасига биноан амалга оширишни такомиллаштириш зарур.



Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида 2000-2006 йилларда аҳоли даромадлари ва харажатлари динамикаси

	Жой номи	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006
1	Республика аҳолиси пул даромадлари (млрд.сўмда)	2377,4	3605,6	5196,7	6490,4	7702,3	9728,6	13025,7
2	Қашқадарё вилоят аҳолиси пул даромадлари (минг сўмда)	284,3	342	369,9	536,9	541,7	653,4	850,3
3	Республика аҳолиси пул харажатлари (млрд.сўмда)	4131,3	4131,3	5248,1	6211	7604,2	9794,6	12751,4
4	Қашқадарё вилоят аҳолиси пул харажатлари (минг сўмда)	187,5	269,1	398,3	454,4	462,7	542,1	666,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

1-график

Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида 2000-2006 йилларда аҳоли даромадлари ва харажатлари тенденцияси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Учинчи устувор йўналиш — аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаравонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат²⁰ - дея, таъкидлаб ўтгандилар Президентимиз Ислон Каримов, 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида.

Кичик бизнесни ривожлантириш асносида бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган учта вазифани алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммамизга аён. Айнан кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу тариқа бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир.

Учинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, бу борода ўта муҳим бир масалани эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Буни ҳеч қачон

²⁰ Каримов И.А.– “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. "Тошкент окшоми" газетаси, 2008 йил 9 февраль.

унутмаслигимиз ва ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Айни пайтда у иқтисодий инновацияларнинг энг муҳим омиллари, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида бир қанча иш қилинди.

Юқорида айтилганидек давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви кескин чекланди, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёни сезиларли даражада соддалаштирилди ва уларнинг ошкоралиги таъминланди, солиқ ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш тизими такомиллаштирилди, биржа савдоларини ривожлантириш орқали тадбиркорларнинг моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиши билан боғлиқ кўп масалалар ҳал қилинди, микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан тадбиркорларга кредит беришнинг янги шакллари жорий этилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда чиқарган фармони, ҳозирги кунда ёш оилаларни тадбиркорлик фаолиятини бошлашга бошланғич сармоя сифатида хизмат қилиш билан биргаликда, уларга уй-жой сотиб олиш ёки қуришларида тижорат банкларидан оладиган имтиёзли кредитлари муҳим дастак бўлиб ҳисобланади.

2.3. Аҳоли даромадлари ошишини таъминловчи омиллар таҳлили.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йилги иқтисодий истлохотларнинг учинчи асосий устувор вазифа деб белгиланган уй

хўжалиги фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бинобарин, уй хўжалиги харажатларининг таҳлили ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Уй хўжалиги харажатлари кундалик ҳаётни тиклаш ва бошқа турли моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ва товарларни харид қилишга сарф қилинган харажатлардан иборатдир. Уй хўжаликларининг харид қуввати улар олаётган даромадларининг миқдorigа боғлиқ бўлади, даромадлар ошиб бориши билан харажатларнинг таркиби ҳам ўзгариб боради ва шу йўсинда уй хўжаликлари бир-биридан фарқланиб, уларнинг фаровонлиги ортиб боради. Лекин, бу фарқланишлар нечоғлик даромадли бўлмасин, фикримча, уй хўжалиги харажатларининг бир умумийлик томони мавжудки, у умуминсоний эҳтиёжларнинг мавжудлигидандир. Кундалик турмушда ҳар бир инсонга хос бўлган: овқат ейиш, қийиниш, коммунал хизмат харажатлари, маънавий озуқа олиш каби эҳтиёжларга сарфланадиган харажатлар мавжуд. Тўғри, харажатларнинг миқдори турлича бўлиши мумкин, аммо унинг таркибий тузилиши аҳоли фаровонлигидан далолат беради.

Худди шунингдек Қашқадарё вилояти аҳолисининг ўтган тўрт йилдаги, яъни 2004-2007 йиллар мобайнидаги харажатлари таркибига эътибор қаратадиган бўлсак бу давр мобайнида вилоят аҳолисининг харажатлари миқдори йилдан-йилга ўсиб борди (7-жадвал). Жумладан, 2004 йили аҳолининг жами харажатлари ва жамғармалари йиғиндиси 415,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, 902,8 млрд.сўмни ташкил этиб, 2004 йилга нисбатан 2,2 мартага кўпайган. Вилоят аҳолисининг харажатлари 2006 йилга келиб, 1485,0 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, 2004 йилга нисбатан 3,5 мартага кўпайган.

Кўриниб турибдики, аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиши тўрт йил давомида ўсиб борган.

Қуйидаги диаграммалардан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисининг маҳсулотлар харид қилишга кетган харажатлари бошқа харажат турларига нисбатан жами харажатларнинг салмоқли қисмини ташкил этган.

Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йиллар мобайнида аҳоли пул харажатлари таркибининг динамикаси


(млн.сўм ҳисобида)

№	Аҳолининг пул харажатлари	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил
1	Истеъмол харажатлари:	462928,5	523654,8	615234,5	740321,4
	-маҳсулотлар харид қилишга	364437,6	405231,5	489521,3	560651,1
	-хизматларга ҳақ тўлаш	98490,9	142635,7	245356,3	299353,7
2	Мажбурий тўлов ва қуйилмалар	45173,7	52146,9	63448,8	72542,6
3	Жамғармаларни ўсиши, валюта сотиб олиш харажатлари билан бирга	51709,6	56874,9	71452,1	91302,9
	Жами харажатлар ва жамғармалар	1022740	1180544	1485013	1691629,1


Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида аҳоли пул харажатлари таркибининг динамикаси


9-диаграмма (2004 й)




10-диаграмма (2005 й)



11-диаграмма (2006 й)



12-диаграмма (2007 й)



- -Истеъмол харажатлари
- -маҳсулотлар харид қилишга
- -хизматларга ҳақ тўлаш
- -Мажбурий тўлов ва қуйилмалар
- -Жамғармалар ўсиши, валюта сотиб олиш харажатлари билан бирга

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

Хусусан, 2004 йили аҳолини жами харажатларини 36% и маҳсулотлар харид қилишга сарфланган бўлса, хизматларга ҳақ тўлашга эса, 9% и сарфланган. 11-диаграммадаги маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз мумкинки, аҳолини жами харажатларини 33% и маҳсулотлар харид қилишга сарфланган бўлса, 2005 йил сингари бунда ҳам 17% и хизматларга ҳақ тўлашга харажатлар сафарбар қилинган. Ўтган 2007 йилга келиб эса, хизмат ва сервис кўрсатувчи корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қонун ва қарорлар таъсири доирасида вилоят аҳолисининг жами харажатларининг 17% и хизматларга ҳақ тўлашга йўналтирилган бўлса, 32% и маҳсулотлар сотиб олишга сарфланган.

Ўзбекистон аҳолисининг пул даромадлари ва улардан келиб чиқадиган харажатлар таркибининг ўзгариш тенденциясига бир назар ташлайдиган бўлсак аҳоли пул даромадларининг асосий қисми товар харид қилишга ва хизматларга тўловлар учун қилинадиган истеъмол харажатларига сарф қилинишининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, 1998 йилда ана шундай харажатларга жами харажатларнинг 85,0%и сарф қилинган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 85,7%гача ошди. Аммо 2002 йилдан бошлаб унинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу харажатларнинг миқдори 2004 йилга келиб 76,9%ни ташкил қилди. Аҳоли харажатларининг асосий қисмини мажбурий тўловлар ва турли бадаллар ташкил қилади. Бунинг асосий қисми давлат бюджетига тўланадиган солиқлардан иборатдир. Ушбу тўловларнинг ҳам улуши аҳолининг умумий тўловида қисқариш тенденциясига эга. Унинг миқдори 1998 йилда 8,5%ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 8,3%га тушди. 2004 йилга келиб эса, аҳолининг умумий харажатларидаги улуши 7,8%ни ташкил қилди.

Уй хўжалиги харажатларининг маълум бир қисми жамғармаларга қуйилмалар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олишга сафарбар қилинади. Бу кўрсаткичнинг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлса, демак аҳоли

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2000-2006 йилларда аҳоли пул даромадлари ва харажатлари динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2000 йил	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил
1	Аҳоли пул даромадлари, млрд. сўм	3201,4	3605,6	5176,8	6488,6	7702,3	9989,8	13025,7
2	Шу жумладан, аҳоли жон бошига, минг сўм	137,6	143,9	204,1	253,8	297,8	381,8	489,1
3	Аҳоли пул харажатлари ва жамгармалари, млрд.сўм	2956,1	3498,2	5228,8	6211	7604,2	9794,6	12751,4
4	Шу жумладан, аҳоли жон бошига, минг сўм	126,5	139,6	206,1	242	294	374,3	478,8
5	Аҳолининг товар ва хизматлар харид қилиш учун харажатлари, млрд.сўм	2152,4	2813,2	4387,6	5107,4	5920,3	7248,3	9640,8
6	Шу жумладан, аҳоли жон бошига, минг сўм	101,2	124,4	173	199	228,9	277	362

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

фаровонлиги маълум даражада ошаётганлигидан далолат беради. Бундан мамлакатимизда уй хўжалиklarининг фаровонлиги ошмоқда, деган хулоса чиқариш мумкин, чунки аҳолининг жамғармаларга қуйилмалар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олишга сафарбар қилинган маблағларининг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Унинг улуши 1998 йилда барча харажатларнинг 1,4%ини ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 2,1%га етди. Аммо 2002 йилдан бошлаб унинг миқдори кескин ўзгариш тенденциясига эга бўлди ва 2006 йилда мазкур кўрсаткичнинг хажми умумий харажатларнинг 16,3%ини ташкил этди²¹.

Юқорида кўрганимиздек уй хўжалиги харажатларининг асосий қисмини истеъмол харажатлари ташкил қилади. Истеъмол харажатларининг таркиби эса уй хўжалиklarининг ҳақиқий аҳолини, фаровонлик даражасини ифода этади. Уй хўжалиги харажатларининг қайси бирини камайтириш ва қайси харажатларнинг улушини ошириш эвазига аҳоли фаровонлигини ошириш йўллари тадқиқ қилишда унинг ҳолатини ўрганишни тақозо қилади. Қуйида Ўзбекистондаги уй хўжалиги харажатларнинг таркибий тузилишига бир назар ташлашни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Мамлакатимизда кузатилган уй хўжалиklари истеъмол харажатлари таркибида маҳсулотларни уйда истеъмол қилиш учун сотиб олишга кетган харажатларнинг улуши юқорилигича қолмоқда. Унинг миқдори 1998 йилдаги барча харажатларнинг 67%ини ташкил қилган бўлса, 2000 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шу йилда унинг миқдори 67,6%ни ташкил қилган Аммо 2001 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткичнинг миқдори камайиш тенденциясига эга. 2001 йилда мазкур кўрсаткич 61%га тенг бўлган бўлса 2003 йилга келиб 57,5%гача камайди. Бу таҳлил қилинган йиллардаги энг паст кўрсаткичдир. 2006 йилда унинг миқдори яна бирмунча ошган ва 68,1%ни ташкил қилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида нон ва нон маҳсулотларининг

²¹ "Бозор, пул ва кредит" журнали 2006 йил, №6 28-бет.

улуши катта қисмни ташкил қилади. Ушбу маҳсулотларнинг улуши 1988-2000 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, 1988 йилда 24,0%ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб 26,6%га етган. Аммо 2001 йилдан бошлаб камайиш тенденциясига эга, яъни 2001 йилда 21,8%га тенг бўлган бўлса, 2006 йилга келиб унинг улуши 15%гача тушган. Бу ҳолат мамлакат аҳолисининг аҳволи бирмунча яхшиланаётганлигидан, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида бошқа калорияли овқатлар улушининг кўпаяётганлигидан далолат беради. Жумладан, шу йилларда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг улуши 2000 йилда 12,8%дан, 2006 йилда 17,3%гача ошди.

Тадқиқ қилинаётган уй хўжаликларида картошка, сабзавотлар, полиз экинлари ва меваларнинг улуши ҳам бирмунча қисқарган. Унинг миқдори 1998 йилда 9,6%ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб 9,1%га тушди, аммо 2001 йилда 9,8%гача кўтарилди. Шу йилдан буён у пасайиш тенденциясига эга. Ниҳоят 2006 йилга келиб ушбу маҳсулотларнинг улуши 5,7%ни ташкил қилди.

Тадқиқ қилинган уй хўжаликларида ноозиқ-овқатларни харид қилишга ва хизматларга кетган харажатлар улуши кўпайиш тенденциясига эгаллиги, уй хўжаликларининг даромадлари озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдан тортиб ноозиқ-овқат ва турли хизматлардан фойдаланаётганликлари ҳам шундан далолат беради. 2000 йилда уй хўжаликларида ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларини харид қилишга кетган харажатларининг улуши 21,7%га тенг бўлган бўлса, унинг улуши 2006 йилга келиб, 38,4%ни ташкил қилди. Бу таҳлил қилинаётган 7 йил давомида 16,7% бандга ошганлигини ва мамлакатимизда уй хўжаликлари моддий фаровонлигининг бирмунча ошиб бораётганлигини ифодалайди.

Уй хўжалиги харажатларини уй хўжаликларининг қандай ижтимоий гуруҳга мансублигига ва таркибига боғлиқлиги бўйича қараб чиққанимизда, ўзига тўқ уй хўжаликлари кам таъминланган уй хўжаликларига нисбатан кўпроқ миқдорда харажат қилишлари билан бирга, озиқ-овқатга ва кийинишга сарф қилган харажатларидан ташқари маданий дам олишга ҳам

кўпроқ маблағ ажратишини кузатиш мумкин экан. Ваҳоланки, кам таъминланган уй хўжалигида, баъзи ҳолларда, маданий дам олишга маблағ ажрата олмасликлари ҳам мумкин.

Маълумки, уй хўжаликларининг харажатларини ҳисобга олишда, асосан истеъмол саватчадан фойдаланилади. Истеъмол саватчага 3 та маҳсулотлар гуруҳи киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган²²:

- Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга кетган харажатлар;
- Ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга кетган харажатлар;
- Хизматларга ҳақ тўлаш.

Халқаро тамойилларга кўра, мамлакат миқёсидаги уй хўжаликларининг жами харажатларининг 50%идан юқори қисми озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфланса, бундай мамлакат ривожланган мамлакатлар каторидан жой ололмайди. Ўзбекистон республикаси уй хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотларига кетган харажатлари 1997 йили жами харажатларнинг 78% ини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилга келиб, 56,8% га тушди. Бундан кўриниб турибдики, республикада хизмат ва сервис кўрсатувчи корхоналар сони ва сифати тобора яхшиланб бормоқда ва шунинг ҳисобига уй хўжаликларининг жами харажатлардан, хизматларга ҳақ тўлашга кетган сарфлари улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Уй хўжалиги бой бўлишининг асосий сабабларидан бири, даромад топиш билан бирга, уни тежаб-тергаб, оқилона харажат қилишдан иборатдир. Уй хўжалиги харажатларини камайтириш йўллари жуда кўп. Бозор муносабатлари шароитида уларнинг энг самарали йўлларини излаб топиш лозим. Масалан, уй хўжалиги аъзоларидан бири, яъни хотини уйда бола тарбияси билан ва уй-рўзғор юмуши билан банд. Фақат уй хўжалигида эркак ишлайди ва унинг топгани уй хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондирмаслиги мумкин. У ҳолда болани боқиш ва уй-рўзғор юмушлари учун бошқа кишини ёлласа, аёл бошқа жойда ишлаш ва кўшимча даромад қилиш имкониятига эга

²² «Человек и труда» журнали. №6, 2006 йил 34-бет.

бўлиши мумкин. Бу ҳолда уй-рўзғор ишлари ва бола тарбиясига ёлланган кишига 50 минг сўм тўлаш лозим бўлса, аёл бошқа ерда ишлаб ойига 120 минг сўм топиб келадиган бўлса, албатта мазкур уй хўжалигига хизматкор ёллаган маъқул. Бу ҳолда аёлнинг ташқарида фаолият кўрсатиши уй хўжалиги учун самарали бўлиб ҳисобланади.

Агар уй хўжалиги ичида фақат эр билан хотин ўртасида меҳнат тақсимланишини кўрсак қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин. Оилада аёл эркакка нисбатан тадбиркор бўлса, уйда рўзғор юмушлари эркакнинг зиммасида бўлгани маъқул. Бу жараёни атайлаб эмас, балки объектив ҳаётий заруриятдан келиб чиқадиган ҳолат деб қараш лозим.

Бунинг исботи учун узоққа боришнинг хожати йўқ. Ҳозир бозорларимизда 60-65% аёллар савдо-сотик ва бошқа тадбиркорлик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Бу ҳолат Ўзбекистонда йигитларни бозор муносабатлари шароитига мос тарздаги ҳаётга тайёрлаш лозимлигини кўрсатади. Бизнинг аждодларимизда эркаклар уй хўжалигини боқишни ўз зиммаларига олиб келганлар. Аёлларнинг латофатини, ҳақиқий оналигини сақлаб қолиш учун эркакларимиз тадбиркор бўлиши, уй хўжалигини боқа оладиган даражага етишини таъминлаш, айниқса аёлларимизни оғир жисмоний меҳнатдан бутунлай озод қилишимиз лозим.

Умуман олганда, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши унинг аъзоларидан бозорга нисбатан жуда сезгир бўлишни, ҳамда амал қиладиган қонунлар моҳиятини чуқур ўрганишни, қисқаси, уй хўжалигининг бозорга мослашишини талаб қилади.

Уй хўжалиги харажатларини режали иқтисодиёт шароитига асосан, истеъмол харажатлари деб юритилар эди. Бозор муносабатлари шароитида уй хўжалигининг харажати ишлаб чиқариш, муомала ва истеъмол харажатларидан иборат бўлади. Бу харажатлар уй хўжалиги аъзоларининг тадбиркорлиги билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, уларнинг улуши кескин ўсиб боради.

Уй хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унга

сарф қилинган харажатлар асосан қайтмайдиган харажатлардан иборат бўлган. Эндиликда уй хўжалиги харажатлари, агарда, тадбиркорлик учун сарф қилинса, катта фойда келтирадиган харажатлар сирасига ҳам айланмоқда. Бу ҳам кўрсатадики, уй хўжаликларининг иқтисодий мазмуни, унинг табиати ҳам ўзгариб бормоқда.

Уй хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки бўлмаса, етиштиришга кетган харажатлари ишлаб чиқиш харажатларига кирса, уларни сотиш билан боғлиқ харажатлари уй хўжалигининг муомала харажатлари таркибига киради. Одатдагидек истеъмол билан боғлиқ харажатлар, масалан, овқатни тайёрлаш, истеъмол қилиш кабилар, истеъмол харажатларига киради. Бу харажатларнинг қайси бирини камайтиришга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини изоҳлаб ўтириш учун хожат бўлмаса керак²³.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, уй хўжаликлари фаровонлигини оширишнинг харажатлар билан боғлиқ бир қанча йўллари мавжуд экан, булар, нафақат уй хўжалиги харажатларини камайтириш, балки, биринчи галда харажатларни мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳам боғлиқдир. Харажатларни албатта, даромад келтирадиган ва даромад келтирмайдиган харажатларга бўлиб олиш лозим. Имкон қадар харажатларни яхши даромад келтирадиган жараёнларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек харажатларни асосан, тадбиркорликни ривожлантиришга, дивиденд келтирадиган инвестициялар қўйишга сарф қилинса ҳам, уй хўжалиги фаровонлигини ошириш имконияти яратилади. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромадлар уй хўжаликларининг барча даромадлари ичида салмоқли ўринларни эгалламоқда. Статистик маълумотларга қараганда, аҳоли пул даромадининг умумий ҳажмида тадбиркорликдан олинадиган даромаднинг улуши 1998 йилда 28,2%ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб 30,7%га тенг бўлди. 2006 йилда

²³ Д.Музаффаров, «Как повысит качество жизни бедного населения?» - Экономическое обозрение журналы № 12(63), 2006 йил, 12-бет.

ушбу кўрсаткичнинг миқдори 70,2%ни ташкил қилди. Кўриниб турибдики, уй хўжаликларида тадбиркорликни ривожлантириш, унинг асосий фаровонлик омилига айланиб бормоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, уй хўжаликлари фаровонлигини оширишнинг яна бир йўли, харажатларни жамғармаларга қўйиш, қимматли қоғозлар ва валютани сотиб олиш учун сарф қилишдан иборат бўлиб, бу ҳам мулкни ишлатиш орқали олинадиган даромадлар сирасига киради ва уй хўжалиги фаровонлигини оширишнинг асосий йўлларида бири сифатида намоён бўлади. Чунки, бундай тадбирлар уй хўжаликларида дивиденд сифатида даромадларини кўпайтириб боради. Масалан, уй хўжалиги ўзининг ортиқча 5,0 миллион сўмини йиллик 36,0% билан тижорат банкларида қўйди, деб фараз қилайлик. Бу ҳар ойга уй хўжалигига 150,0 минг сўм даромад келтиради. Кўриниб турибдики, бу миқдор бир ойлик ўртача иш ҳақидан анча кўпроқдир.

Уй хўжалиги фаровонлигини оширишнинг яна бир йўли, фойда келтирмайдиган истеъмол харажатларининг сарфига жуда катта эътибор беришни талаб қилади. Агар улар шу даврда жуда зарур бўлмаса, вақтинча уларни харид қилишни тўхтатиб туриш мумкин. Шу вақтда унга кетадиган харажатларни даромад келтирадиган харажатлар таркибига қўшиб фойдаланилса, уй хўжалигига катта наф келтириши мумкин. Масалан, миллий урф-одатларимизга кўра, халқимиз тўй-ҳашамлар учун олдиндан тараддуд кўриб, у-бу нарсаларни захира сифатида олиб қўяди. Бу одат бизнинг менталитетимизга хосдир. Аммо ҳозирги вазият тубдан ўзгармоқда.

Олдингидек мода узоқ вақт мобайнида ўзгармасдан турмайди. Бунинг устига, олиб қуйилган нарсалар маънавий жиҳатдан ҳам эскириб қолиши мумкин. Шу туфайли, унга кетадиган харажатларни инвестицияга қўйиб фойдаланиб турилса, ўйлаймизки, уй хўжалиги нарсаларни олдиндан харид қилиб, уни қуруқ сақлаб турганга қараганда кўпроқ имкониятларга эга бўлади. Лекин, шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён, яъни аниқроқ қилиб

айтадиган бўлсак 1990 йилдан буён кўп қаватли уйлар қурилмаётганлиги сабабли, Республикамиз барча вилоятларнинг марказларида, нафақат марказларида, балки туман марказларида ҳам уй-жойлар нархи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, биргина Қарши шаҳрида кейинги саккиз йил, 2000-2007 йиллар мобайнида уй-жойларнинг нархи кескин тарзда ўсиб борди. Масалан, 2000 йили шаҳарда жойлашган кўп қаватли уйдаги икки хонали хонадоннинг нархи ўртача 1,5 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йилда 2,5 минг АҚШ долларини ва 2007 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 20 минг АҚШ долларигача кўтарилди²⁴. Бу албатта салбий ҳолат ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун фақатгина қурилиш корхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, уларга давлат томонидан имтиёзлар бериш лозим деб ўйлайман.

Шундай қилиб, уй хўжалигининг харажатлари тушунчаси янги мазмун ва моҳиятга эга бўлмоқда. Улар ҳақида тўлиқ; тушунча ва тасаввурга эга бўлиш учун ушбу кўрсаткичларни назарий ва амалий жиҳатдан янада чуқурроқ таҳлил қилиш лозим. Зеро, мазкур йилда мамлакатимиз раҳбари томонидан уй хўжалиги фаровонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган экан, бу шубҳасиз, уй хўжалигининг эртанги куни, унинг фаровонлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

²⁴ Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари

III-БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА УНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Аҳоли даромадларининг давлат томонидан тартибга солиниши

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлидан бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб борар экан, бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Ислохот муқаррарлигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳақиқатан ҳам асосий узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақалар ва гуруҳларини — болалар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларни қўллаб-қувватлаш, аввалгидек ижтимоий сиёсатимизнинг устувор сиёсати бўлиб қолаверади»²⁵.

Маълумки, давлатимиз хазинасини молиявий ресурслар билан тўлдирувчи асосий манба солиқ бўлгани сабабли, у жамиятимиз олдида турган муҳим ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва бошқа кўпгина вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган миқдордаги пул маблағи билан таъминланиши лозим. Миллий даромаднинг маълум бир бўлагини халқ хўжалиги тармоқлари бўйича қайта тақсимлашда, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда, шунингдек маориф, маданият, илм-фан, соғлиқни-сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот масалаларини ўз ичига оладиган ижтимоий соҳа, кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда солиқ тизими муҳим ўрин тутди.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан даромадларни барқарорлаштириш ва жамият тараққиётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ тарзда ошириб бориш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда меъёрларни ўзида мужассамлаштиради.

²⁵ И.Каримов "Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари" - Т.: "Ўзбекистон", 1993 йил, 20-21 бет.

У ишчи кучини нормал такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган.

Ҳозирги шароитда давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бутунлай аралашмаслиги мумкин эмас, чунки бозорнинг тақсимооти ўз табиати бўйича адолатсиздир. Бозор шароитида ҳар бир одамга иқтисодий фаолияти натижасидан қатъий назар муносиб ҳаётни таъминловчи даромад²⁶ тамойилига риоя қилинмайди. Шунинг учун бу жараёнга давлатнинг аралашуви зарурат ҳисобланади. Давлат томонидан тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланишнинг маълум даражага етиши, ишлаб чиқариш ва капитал концентрациясида юзага келади. Бу имкониятни ҳақиқатга айлантириш зарурати муаммолар ўсиб боргани сайин кучаяди ва уларни давлат томонидан тартибга солиш орқали бартараф этиш лозим.

Ҳозирги шароитда даромадларни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмидир. У кўп вазифаларни ечади, масалан, иқтисодий ўсишни тармоқ ва минтақаал структуралардаги прогрессив силжишларни рағбатлантириш, экспортни қўллаб-қувватлаш, иш билан бандлик солиққа тортиш, нархларни тартибга солиш ва ҳоказо. Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ йўналиши, шакллари, кўлами айрим мамлакатлар ва муайян даврда ижтимоий-иқтисодий муаммолар характери ва жиддийлиги билан белгиланади.

Турли сабабларга кўра, Франция, Германия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Япония ҳамда Осиё ва Лотин Америкасининг жадал ривожланаётган бир қатор давлатларида даромадларни давлат томонидан тартибга солиш механизми кенгроқ ривож топган. Иккинчи жаҳон уруши, социализм лагери оқибатларини бошдан кечирмаган АҚШ, Канада, Австралия каби давлатларда у заифроқ ривожланган, аммо бу давлатларда ҳам даромадларни давлат томонидан тартибга солиш муҳим ўрин тутди,

²⁶ Абдурахмонов Қ.Х.- Меҳнат иқтисодиёти. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: "Меҳнат", 2004. 164-бет

айниқса, конъюнктуранинг бузилиши, инфляция ва ишсизликнинг ўсиши шароитида унга эҳтиёж ортади.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг механизмини англаш учун унинг субъектлари, объектлари, мақсади, инструментларини, яъни воситаларини кўриб чиқиш лозим. Хўжалик манфаатларининг соҳиблари, ифодаловчилари, ижрочилари иқтисодий сиёсатнинг субъектлари ҳисобланадилар²⁷.

Хўжалик манфаатлари соҳиблари — бу бир-биридан мулкый мавқеси, даромади, касби, тармоқ ва минтақаал манфаатлари каби белгилари билан фарқланувчи ижтимоий гуруҳлардир. Бу гуруҳларга корхоналарнинг ёлланма ишчилари ва эгалари, фермерлар ва ер эгалари, деҳқонлар, майда ва йирик тадбиркорлар, ҳиссадорлар, давлат хизматчилари ва эркин касб эгалари кирадилар.

Даромадларни шакллантиришнинг ўз-ўзидан бўлмайдиган муаммолари ва қийинчиликлари мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган соҳалари, ҳолатлари, шароитлари, манбалари даромадларни давлат томонидан тартибга солиш объектларидир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва олдини олиш орқали иқтисодиётни бир маромда ривожлантириш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, жамиятдаги барқарорликни сақлаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир фуқаронинг бир йил давомида меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олган даромадлари, мулкый даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлари жами даромадлар таркибини ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга меҳнат шартномаси бўйича қилинган ишлардан ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича оладиган даромадлари киради. Шу билан бирга меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларга:

- 1) ходимларга сотиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан

²⁷ Генкин Б.М. «Организация, нормирования и оплата труда на промышленных предприятиях», Учебник для вузов - М.: Издательство НОРМА, 2003. 111 - ст.

бундай товарларни харид қилиш нархи ёки таннархи ўртасидаги манфий фарқ;

2) иш берувчи томонидан ўз фаоллари билан боғлиқ бўлмаган, ходимларнинг чиқимларини қоплаш учун қилинган харажатлар;

3) ходим иш берувчига тўлаш керак бўлган, аммо иш берувчининг қарори билан ҳисобдан чиқарилган қарз суммалари;

4) иш берувчи ўз ходимларининг ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бадалларини тўлаш учун қилган харажатлар;

5) иш берувчининг жисмоний шахсдан ушлаб қолиши керак бўлган тўловлар юзасидан тўлаш суммаси;

6) иш берувчининг ўз ходимларининг бевосита ёки билвосита даромадларини ташкил этадиган бошқа харажатлари ҳам киради.

Мулкӣ даромадларга фоизлар, дивидендлар бўйича олинган даромад, мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар киради.

Тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадларга товарлар реализациясидан, даромад олиш мақсадида таваккал қилиб, ўз мулкӣ жавобгарлиги остида якка тартибда амалга оширилган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятдан келадиган барча тушумлар киради.


Қуйида келтирилган 9 -жадвалдан маълум бўлишича, охириги йиллар давомида мамлакатимиз бюджетининг харажатларида маориф соҳасининг улуши биринчи ўринни эгаллаган. Ўртача 57%дан ҳам кўпроқ қисмини ташкил этган. Иккинчи ўринда — соғлиқни сақлаш ва учинчи ўринда эса кам таъминланган аҳолига нафақа ва моддий ёрдам кўрсатиш масалалари туради. Булардан кўзланган асосий мақсад, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, таълим ва тиббиёт соҳаларида бюджет ташкилотларидаги хизматчиларнинг иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларининг инфляция суръатидан юқори миқдорда бўлишини таъминлаш, ислохотлар сиёсати ва жамиятни янгилашнинг асосий бўғини бўлган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш,

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2004-2006 йиллардаги ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий
химоялаш харажатлари таркиби (ЯИМга нисбатан% ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2004 йил	фоиз	2005 йил	Фоиз	2006 йил	фоиз
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоялаш учун	11,4	100,0	10,9	100,0	11,3	100,0
шу жумладан:						
Маориф	6,3	56,7	6,3	51,1	6,6	57,4
Соғлиқни сақлаш	2,4	21,6	2,2	20,2	2,4	21,7
Маданият ва спорт	0,4	2,7	0,4	3,6	0,4	3,4
Фан	0,1	0,9	0,1	0,9	0,1	0,9
Ижтимоий таъминот	0,1	0,9	0,1	0,9	0,1	0,9
Аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга молик хизматлар нархидаги фарқни бюджетдан қоплаш	0,4	2,7	0,2	1,8	0,1	0,9
Нафақа ва моддий ёрдам	1,5	12,6	1,3	11,9	1,3	12,2
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига дотациялар	0	0	0	0	0,2	1,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2006 йилдаги ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоялаш харажатлари таркиби



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари

кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини дарсликлар, ўқув қўлланмалари, лаборатория ва ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлаш, шу билан бирга аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборатдир.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда ва муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида солиқ тизими рағбатлантирувчилик вазифасини бажаради. Ушбу масалаларни ҳал қилишда солиқ, тизими бўйича ислохотлар ўтказиш заруриятини ҳаёт тақозо қилмоқда. Солиқ тизимини янада такомиллаштиришда бош тамойил — турли мулкчиликка асосланган корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш муҳим ўрин эгаллайди. Бу соҳада Ижтимоий Иқтисодий Тадқиқотлар Маркази томонидан «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар» мавзuida ижтимоий илмий кузатишлар олиб борилиб, қуйидаги хулосаларга келинди.

Фикри сўралганларнинг эътироф этишича, солиқ юкининг каттагина қисмини солиқлар ва иш ҳақи фондидан ажратмалар ташкил этади. Бу эса тадбиркорларни ўз айланмасининг бир қисмини яширишга ундайди. Айланманинг бир қисмини яширганликларига респондентларнинг 55%и солиқ солишдан ўзини олиб қочиш истагини, 36%и банкдан нақд пулни қонуний асосда олиш қийинлигини, 15%и ҳокимият органлари эътиборини жалб этишни истамаслигини, 10%и эса солиқлар нималарга сарфланишини билмаслигини сабаб қилиб кўрсатганлар.

Даромад солиғининг юқори даражада бўлиши натижасида корхона маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, уни замонавий техникалар билан қайта жиҳозлашга ва айланма маблағларини тўлдиришга сарфлаш имконияти камайиши мумкин. Бу эса, оқибат-натижада, ишлаб чиқаришнинг пасайиб, корхона иқтисодий аҳволининг танг ҳолатга тушиб қолишига олиб келади. Шунингдек оғир солиқ юкининг узоқ вақт сақланиб туриши, пулнинг қадрсизланишини кучайишига бевосита эмас, балки

билвосита йўллар билан таъсир этади²⁸.

Солиқлар, бу нафақат бюджет тушумининг асосий манбаи, балки у бозор иқтисодиёти таркибининг ҳам асосий омили ҳисобланади. Фақат мукамал солиқ тизимигина ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти, давлат бюджетини зарур миқдордаги молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳамда унинг самарадорлиги ошиши учун зарур бўлган маблағларни шакллантира олади. Ҳозирги вақтда олиб борилаётган тадбирлардан асосий мақсад, корхоналарга иқтисодий жиҳатдан кенгроқ, эркинлик бериш, фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлаш, ходимларнинг иш ҳақини оширишдан иборат.

Маълумки, 2006 йилнинг биринчи ярмида солиқ юқининг пасайтирилиши натижасида, корхоналарнинг ихтиёрида қолган молиявий ресурслар 126 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Натижада бу инвестицияларни кўпайтириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш ва ходимларнинг меҳнати учун тўланадиган ҳақни оширишда кўшимча манба бўлиб хизмат қилди.

2006 йил 11 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2007 йилги солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари муҳокама қилиниб, таклиф этилаётган солиқ концепциясининг лойиҳасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳолининг реал даромадларини ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳада даромад солиғининг солиқ солинадиган базаси кучи шкаласи 13% даражасида сақланиб қолгани ҳолда, энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача даромад олинадиган ўртача шкалани 20%дан 18%гача ва энг кам ойлик иш ҳақини 10 бараваридан ортиқ даромад олинадиган юқори шкалани 29%дан 25%гача камайтириш кўзда тутилган. Бу эса меҳнаткашлар даромадларининг ўсишида ва аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилашда

²⁸ Н.Ортиқов "Аҳоли турмуш даражасини оширишда солиқ сиёсатининг ўрни", "Бозор, пул ва кредит-журнали", 2006 йил, №12, 29-бет.

муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кундаги мавжуд бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бешта тури ҳамда уларни ҳисоблаб чиқишнинг анча мураккаб тизими ўрнига товар айланмасидан ягона солиқ тўловини жорий этиш таклиф этилдики, унга асосан, аҳоли сони 100 мингдан ортиқ кишини ташкил этган шаҳарлардаги савдо корхоналари учун 5%, қолган аҳоли пунктларида 3%, бориш қийин бўлган тоғли аҳоли пунктларида эса 1% ставкали солиқ тўловини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, 2007 йилги назарда тутилган солиқ сиёсати чора-тадбирлари қуйидаги макроиктисодий кўрсаткичларга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 7,7% реал ўсишига, саноат тармоқлари товарларининг камида 10% ўсишига, инфляция даражасининг 5-7% доирасида сақланиб қолишига ва ниҳоят, аҳолининг реал даромадлари 17%га ошишига эришиш учун мустаҳкам асос яратиш имконини беради.


Аҳоли олган даромадларини тақсимланади, яъни уларнинг бир қисми даромад солиғи шаклида давлат бюджетига келиб тушади, қолган қисми эса, шахсий истеъмолга қилинадиган сарф-харажатлар ҳамда жамғармаларга тақсимланади.

Буюк иқтисодчи олим А.Лаффер бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар бюджетга тушадиган солиқлар тушумлари миқдорининг даромад солиғи ставкаларига боғлиқлигини ўрганиб чиққан. Ушбу боғлиқлик Лаффер эгри чизигида кўрсатиб берилган. (1-чизмага қаранг).

Лаффер назариясининг асосини 50%ли солиқ ставкаси энг мақбул ставка эканлиги ва у солиқнинг энг юқори миқдорини таъминлаши тўғрисидаги қоида ташкил этади. Солиқ ставкаси 50%дан ошган тақдирда фирмалар ва ходимларнинг амалий фаоллиги кескин пасаяди ва оқибатда даромадлар махфий иқтисодиётга ўтиб кетади.

100

Солиқ



50


1-чизма. Лаффер эгри чизиғи.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш ваколатли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан даромадларни барқарорлаштириш ва жамият тараққиётида юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ тарзда ошириб бориш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда меъёрларни ўзида мужассамлаштиради. У ишчи кучини нормал такрор ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган²⁹.

Тадбиркорлар қатламининг кенгайиши бозор даромадлари мавқеининг ўсиб бораётганлигини англатади. Даромадлар таркибида тадбиркорлик даромади муҳим ўрин эгаллайди. Чунки кейинги йилларда улар тобора иқтисодий фаоллик кўрсатиб, юқори даромад соҳиби бўлишга интиломқдалар. Юқори даромадга эга бўлиш эса, бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

²⁹ Абакумова Н.Н., Подовалова Р.Я " Политика доходов и заработной платы" Учебное пособие - Новосибирск: НГАЭ и У, М.: ИНФРА - М, 1999 - 42 стр.

Даромадларни давлат томонидан тартибга солиш - бу турли даражалар: давлат-тармоқ минтақа-корхоналарнинг ўзаро алоқасини кўзда тутувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён дир. (2-чизмага қаранг).



2-чизма. Ўзбекистонда даромадларни тартибга солиш даражаси.

Бу барча даражалар ўзаро боғлиқ, ўзаро қарам, аммо ҳар бири ўз хусусиятига ва иерархияда ўз ўрнига эга. Давлат етакчи тармоқ дир, у тартибга солишнинг йўналиши ва тактикасини, услублари ва механизмини, устувор жиҳатлари ва шу кабиларни ишлаб чиқади.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, давлатимиз томонидан олиб борилаётган солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва уни соддалаштириш республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва умуман, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, унинг даромадларини барқарор равишда ошириб боришга қаратилган. Иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиб бориши билан бозор даромадларининг устуворлиги ортиб боради. Чунки, турмуш фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бозор даромадларига боғлиқ бўлиб қолади.

3.2. Аҳоли даромадларини оширишни такомиллаштиринг асосий йўналишлари

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиш ҳаёт фаровонлигининг кафолати бўлиб, иқтисодий субъектларнинг даромад топиши ва уни кўпайтириб бориши инсон фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади. Бозорда ишлашдан мақсад даромад топиш экан, унинг имкониятлари тобора кенгайиб боради. Бундай имкониятлар доирасида даромад манбалари ва турларининг хилма-хиллиги таъминланади. Даромад турларининг хилма-хиллиги унинг келиб тушиш манбаининг фарқланишига боғлиқ бўлади. Шунинг назардан ҳозирги кунда аҳоли даромадларининг фарқланишида бозор ва нобозор даромадларини ҳисобга олиш зарурдир.

Иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашиб бориши билан бозор даромадларининг устуворлиги ортиб боради. Чунки, турмуш фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бозор даромадларига боғлиқ бўлиб қолади.

Тадбиркорлар қатламининг кенгайиши бозор даромадлари мавқеининг ўсиб бораётганлигини англатади. Даромадлар таркибида тадбиркорлик даромади муҳим ўрин эгаллайди. Чунки кейинги йилларда улар тобора иқтисодий фаоллик кўрсатиб, юқори даромад соҳиби бўлишга интиломқдалар. Юқори даромадга эга бўлиш эса, бозор муносабатлари ривожланишининг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Бозор тамойилларига монанд равишда тадбиркорлик ва уй хўжалигининг ривожланиши, иқтисодий ўсишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ ривожланиш даражасининг ҳар хил кечганлиги боис, уларнинг оила даромадларини ҳосил қилишдаги иштироки ҳам турлича бўлади. Тадбиркорлик фаолиятига аҳолининг янги қатламлари тобора қўшилиб бораётгани боис, унинг барча хонадонлар даромадини ҳосил этишдаги роли кучаймоқда. Тадбиркорлик фаолиятида оилавий ҳамжиҳатлик даражасининг ошиб бориши ҳам кузатилмоқда.

Аҳолининг даромад топиш усуллари ўзгариб борса, шунга нисбатан пул топиш имкониятлари ҳам ҳар хил бўлади. Бу биринчидан, куч-қувват ва

аклий қобилиятнинг ҳар хил бўлишига, иккинчидан эса, кишининг мулк соҳиби бўлиши ёки бўлмаслигига ҳамда мулкни самарали ишлатишига боғлиқ бўлади. Бинобарин, даромад топиш учун ресурслар мавжудлигига ва унинг ишлатилишига нисбатан даромад манбалари фарқланади ва ўзгариб боради.

Даромадлар ташкил топишининг бозор ва нобозор усуллари даромадларнинг фарқланишига турлича таъсир кўрсатади. Бозор муносабатлари юқори даромад олишнинг шарти сифатида ишбилармонликни биринчи поғонага кўтаради. Тадбиркорлик қобилияти иқтисодий фаолиятнинг омили ўлароқ, ишбилармон кишиларнинг юқори даромадга эга бўлишини белгилайди.³⁰

Аҳоли даромадлари манбалари ва шакллариининг турли-туманлиги даромад турлари ички нисбатининг ўзгаришига таъсир этади. Бу умумий даромадлар даражасининг юқори ёки камлигини даромадлар фарқланишида алоҳида кўриб чиқиш зарурлигини талаб этади ва даромадлар табақаланишининг ҳар хил кўринишини келтириб чиқаради. Бундай қонуниятли ҳолат республикамиздаги оилаларнинг даромад кўрсаткичларини таққослаш орқали юзага чиқади.

Ижтимоий гуруҳлар даромад турларининг фарқланиши республикамиз ҳудудларидаги ҳар хил омилар таъсирида юзага чиқиб, вилоятлар бўйича даромад турлари ва таркибининг ўзгаришини келтириб чиқаради. Даромадлардаги фарқ ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги турмуш даражасининг фарқланишини билдиради. Натижада ижтимоий тафовутлар чуқурлашиб, даромадлардаги фарқ ва ижтимоий табақаланиш кучаяди.

Даромадлардаги фарқланиш шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг этник гуруҳлари таркибига ҳам боғлиқ бўлиб, ижтимоий тенгсизлик даромадлар манбаининг табиати, оила миқдори, унинг таркиби ва оиладаги ишловчилар сонидан келиб чиқади. Чунки даромадларнинг табақаланиши индивидуал хусусият касб этади.

³⁰ <http://www.google.com/> "Population income in Uzbekistan"

Бозор ва нобозор даромадларининг ўзаро алоқаси қуйидагилар таъсирида намоён бўлади:

— биринчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хўжалик юритиш шакллари ва мулкнинг турли-туманлиги заминида табақалашган тарзда ўзгариб боради. Чунки олинаётган шахсий даромаднинг асосий манбаи кишининг шахсий меҳнати ва қобилиятининг йиғиндиси ҳисобланади;

— иккинчидан, аҳоли шахсий даромадлари таркибининг хилма-хиллиги даромадлар миқдорига таъсир қилади. Бунда шахсий даромадни кўпайтириш манбаи кишининг нафақат шахсий меҳнатига, балки у эгаллик қилаётган мулкнинг миқдорига, мулкий улушига ҳамда сарфланаётган капитал хажмига боғлиқ бўлади ва уларга мувофиқ равишда ўзгариб боради;

— учинчидан, аҳоли даромадларининг фарқланиши бозор қонунлари таъсирида бўлиб, шахсий даромадларнинг кучли табақаланишини келтириб чиқаради. Бу зса ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш тарзида ўз аксини топади;

— тўртинчидан, иқтисодиётнинг ривожланиши билан реал иқтисодий ўсишга эришиш ҳаётий неъматларнинг тақсимланишида давлат таъсирининг кучайишига олиб келади. Натижада, аҳолига ижтимоий ёрдам бериш кўлами кенгаяди.

Иқтисодиётнинг умумий даражаси қанча юқори бўлса, ижтимоий тафовутлар бунга нисбатан юмшоқ кечади ва аксинча, иқтисодиёт қанча қоқоқ бўлса, бу камбағаллик ва қашшоқликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам шаҳар оилаларининг даромадлари қишлоқ оилаларининг даромадларидан анча юқори ҳисобланади. Бу фарқланиш иқтисоднинг индустриал ва аграр соҳалари ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, унинг даромадларини янада ошириб бориш ҳар йили Ўзбекистан Республикаси Президенти томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари

сифатида қайд этилади.

Хусусан, Ўзбекистан Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтилган 2005 йилда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш, деб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бири сифатида, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш деб белгиланди.

Президентимиз таъкидлаганидек "меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш сифатини босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш" -2007 йил иқтисодий дастурининг ҳаётий энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эса “Учинчи устувор йўналиш – аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат”.³¹

Юқорида келтириб ўтилган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, аҳоли даромадларини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида

³¹ Каримов.И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. “Халқ сўзи” газетаси, 9 февраль 2008 йил.

кўйидагиларни кўрсатишимиз мумкин.

Хусусан, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида, иш билан бандликни оқилона ошириб бориш. Хусусан, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига аҳоли даромадларини ошириб бориш. Бу борада, мамлакатимизда ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида, кескин чора-тадбирлар кўрилмоқда. Улардан бири сифатида, мамлакатимиз президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармонини киритиш мумкин. 2006 йил 11 январда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан «Касаначилик тўғрисида низом» қабул қилинди.

Мазкур фармон ва қарорлар республика аҳолисининг бандлиги, айниқса, қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларига жалб этиш ва улар даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устуворлик беришни таъминлайди. Бу тадбирлар амалга оширилса, иш берувчиларга реал рағбатлар ва имкониятлар яратилади.

Хулоса ва таклифлар

Магистрлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

- аҳоли даромадлари - бу уй хўжалиги томонидан маълум давр ичида олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблағлар йиғиндисидир;
- аҳоли даромадларининг ошиши бевосита унинг турмуш даражасини ўсишининг муҳим омилларидан ҳисобланади;
- аҳоли даромадларини оширишда, давлатнинг даромад сиёсати муҳим ўрин тутди ва аҳоли даромадларини тартибга солиб турувчи асосий восита ҳисобланади.

Аҳоли даромадларини ошириш йўналишларини белгилашда, аҳоли даромадларининг манбалари ва уни ошишини таъминловчи омилларини мукамал тарзда тўлиқ ўрганиб чиқиб, иқтисодиётдаги туб ўзгаришларни ва аҳоли даромадларини табақалашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, даромад сиёсатини юргизиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларга асосланган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, Қашқадарё вилоятида аҳоли даромадларининг ўсиш тенденцияси диссертацияда таҳлил қилинган 2004-2007 йиллар мобайнида нисбатан кам ўсганлиги кузатилади. Демак Қашқадарё вилоятида аҳоли даромадларини оширишни давлат миқёсида кўриб чиқиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳозирги кунда энг асосий муаммолардан биридир.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун муаллиф томонидан қуйидаги таклифларни киритиш жоиз деб топилди.

— уй хўжаликлари, хусусан, фермерчиликка асосланган уй хўжаликларида уларнинг даромадларини аниқ ҳисобини юритиш мақсадида, уй хўжаликларида амалий бухгалтерия ҳисобини юритиш. Уй хўжалигининг бухгалтерия ҳисоботи ҳар йили охирида солиқ, идораларига топшириладиган оиланинг бутун даромадлари декларациясини тузиш билан яқунланади. Бундаги кўрсатилган маълумотларнинг аниқ ҳисоб-китобга таяниши жамият мулкисининг реал қийматини аниқлаш имконини ҳам беради.

Кўришиб турибдики, уй хўжалигида иқтисодий ишларни такомиллаштириш учун ҳали кўп назарий ва услубий муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Булардан бири уй хўжалиги фаолиятини таҳлил қилиш усулидир. Бу масала ҳам ҳали ўз ечимини топган эмас.

Фермерликка асосланган уй хўжалиги фаолиятини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қиламан:

- уй хўжалиги даромадларининг умумий ҳажми;
- даромадларнинг алоҳида таркиби;
- уй хўжалигининг умумий мулки;
- уй хўжалигининг соф даромади;
- уй хўжалиги тўлайдиган солиқлар объекти;
- солиқларнинг умумий суммаси ва алоҳида турларининг миқдори.

Уй хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни жорий қилиш учун энг аввало, ушбу кўрсаткичларга таяниш лозим;

— Қашқадарё вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа вилоятларга қараганда ҳаддан ташқари зиёдлиги муносабати билан ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг аксарият қисми чет мамлакатларга ишга, ўқишга ва бошқа сабаларга кўра чиқиб кетган ва кетмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, вилоятда ишчи кучи миграциясини давлат шартномасига биноан амалга оширишни такомиллаштириш зарур. Яъни аҳоли миграциясини давлат томонидан тўлиқ назоратга олиш ва тартибга солиш лозим;

— вилоят маҳаллий бюджетини такомиллаштириш, яъни вилоят миқёсида яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотни вилоят доирасида жамлаб ўзига сарфлаш. Ривожланган мамлакатларнинг барчасида давлат бюджети тизими ҳудудларда алоҳида-алоҳида шакллантирилади ва маблағлар асосан ўз ҳудудига йўналтирилади;

— қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарувчи, хизмат ва сервис кўрсатувчи корхоналар ташкил этиш мақсадида, четдан кириб келадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шунинг ҳисобига вилоят аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга эришиш. Бу борада

Ўзбекистон Республикаси Президентининг: "Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими - бу чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир"³² - дея, таъкидалаганидек дарҳақиқат, республикамизда инвесторларга барча шарт-шароитлар яратилган. Биздан фақатгина уларни жалб қилиш учун мавжуд имкониятлар билан таништириш талаб этилади холос;

— аҳолининг истеъмол харажатларини оптималлаштириш, яъни харажатлар таркибида хизматга ҳақ тўлаш улушини ошириб бориш лозим;

— оилалардаги аёл кишиларнинг иш билан бандлигини ошириш. Бунда ҳозирги кун аёллари фақатгина бола тарбияси билан эмас, балки, бирон-бир турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиши ва оиласининг даромади кўпайишига ўз ҳиссасини қўшиши талаб этилади;

— вилоятда касаначилик соҳасини такомиллаштириш, яъни уй хўжалиги аъзолари ва йирик саноат корхоналари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида меҳнат шартномасига асосан майда меҳнатга жалб қилиш;

— даромадлар ва пировард истеъмолни ҳисоблашда ишлаб чиқариш усули билан бирга, балки пировард истеъмол усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш лозим;

— вилоятда илмий салоҳиятни кучайтириш, яъни кадрлар малакасини оширишни кенг йўлга қўйишни таъминлаш;

— вилоят аҳолисининг 75 фоиздан ортиқроқ қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини эътиборга олган ҳолда қишлоқ ҳудудларининг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цехларни ташкил

³² Каримов И.А.- "Янгилаштириш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш - асосий вазифамиздир". "Ўзбекистон овози газетаси". 2007 йил 13 февраль.

этиш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализация қилиш масалалари юзасидан ташкилий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги Қонуни.
3. «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги Қонуни.
4. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. // «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил; 28 май, 6.3-4.
5. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 25 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - 2005. №5-6.
6. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 11 декабрдаги Қонуни. // «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, 2006 йил 10 феврал, №6. 11.П

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари:

7. “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида модернизацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3706 сонли Президент Фармони. // ”Халқ сўзи” газетаси, 6 январь 2006 йил.
8. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони. // «XXI аср» газетаси, 2005 йил 16 июн, №25, 1-2-бетлар.
9. «Бевосита хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 апрелдаги Фармони. // «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси , 2006, №16, 2-бет.

10. “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган Қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги Фармони. // «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 17 март, №53, 1-6.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари:

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги "Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва бандликни ошириш" тўғрисидаги 616- сонли Қарори.

12. «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 апрелдаги Қарори. // «Халқ сўзи» газетаси , 2006 йил 16 апрел, №73, 1-2-бетлар.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари:

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган” мажлиси. // “Халқ сўзи” газетаси 2008 йил 9 февраль.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган" мажлиси. // "Халқ сўзи", 2007 йил 13 февраль.

15. "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида модернизацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли Қарори. // "Халқ сўзи" газетаси, 13 январь 2006 йил.

16. "Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишига қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш

тартиби тўғрисида"ги Низомини қабул қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрдаги Қарори.

17. «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 майдаги Қарори. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, 2003. - №5, 4-бет.

18. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 январдаги 8-сонли Қарори.

19. «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. // “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами”. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

20. «Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан кредит бериш қоидалари» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 й, 5 январдаги 8-сонли Қарорига Илова.

Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

21. Каримов И.А. – “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. // “Халқ сўзи” газетаси 9 февраль, 2008 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган" мажлиси. // "Халқ, сўзи", 2007 йил 13 февраль.

23. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси. // "Халқ сўзи" газетаси, 2005 йил 9 декабрь.

24. Каримов И.А. "Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир". -Тошкент.: "Ўзбекистон", 2005.

25. Каримов И.А. "Ўзбекистон келажаги буюк давлат".— Т.: 1992 – 56 бет.

III. Дарсликлар

3.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

26. Абдурахмонов Қ.Х. "Меҳнат иқтисодиёти". Дарслик. -Т.: "Меҳнат", 2004.

27. Раззаков А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н., "Иқтисодий таълимотлар тарихи" Дарслик Т.: "Молия" , 2002.

3.2. Россияда чоп этилган

28. Генкин Б.М. "Экономика и социология труда". —Учебник-М.: "Норма" 2006.

29. Генкин Б.М. "Экономика и социология труда".-Учебник-М.: "Норма",2005.

IV. Ўқув қўлланмалар

4.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

30. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р. "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси". Ўқув қўлланма -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004 й.

31. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х., Боқиева И, Маҳкамбоев А. "Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили" Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

32. Якубов И.А. "Баланс муаммолари фанидан маърузалар матни" Т.:ТДИУ, 2005.

33. Якубов.И.А."Стратегик режалаштириш фанидан маърузалар матни" Т.:ТДИУ, 2005.

4.2. Россияда чоп этилган

34. Демин А.Н. "Факторы успешного и не успешного поведения в ситуации безработицы" Новосибирск: АО Наука РАН, 2002.

35. "Рынок труда", под ред. В.С.Бўланова и Н.А.Волгина. Учебник -М.: Экзамен, 2000

V. Илмий монографиялар ва мақолалар

5.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

36. Якубов И.А. "Конкурентноспособность экономики регионов" Монография Т.:Ўзбекистон-2006 й.

37. Шодиева Г., Пардаев М. Касаначилик - оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда янги йўналиш, "Бозор пул ва кредит" журналы март 2006, 3-сон 51-бет.

38. Абдурахмонов Қ.Х. "Модернизация жараёнида аҳоли даромадларини ошириш". "Jamiyat va boshqaruv " журналы 2005 й, 3-сони 66-71 бетлар.

39. Ботиров Э. "Аҳолини иш билан бандлигини оширишда хусусий секторнинг ўрни", "Бозор пул ва кредит" 2005. 10 -сон, 61-62 -бетлар.

40. Юлдашев Ю., Жалилов А., Райхонова Г. "Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари". "Бозор пул ва кредит" журналы 2006 йил 1- сони, 59-62 бетлар.

5.2. Россияда чоп этилган

41. Черныш М.Ф. "Социальные институты и мобильность в трансформирующемся обществе": Монография. М.: Гардарики, 2005. - 254 с.

42. Куликова И.П. и др. Современная экономика труда: Монография. М.: ЗАО " Финстатинформ", 2001.

VI. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

6.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган

43. Шоюсупова Н.Т. "Экономический механизм формирования и регулирования рынка труда в Узбекистане" Кандидатская диссертация. 08.00.10 Народонаселение и экономика труда. Ташкент: ИЭ АН Республики

Ўзбекистан, Т.: 2001.

VII. Илмий-амалий анжуманлар маъруза тўпламлари

44. Пардаева Б. “Состав доходов и социальная защита населения”. 19-е Международное Плехановские чтения. М.:2006 , с32-33.

45. Назирова А.Р. “Глобализация и проблемы конкурентоспособности национальной экономики”. 19-е Международные Плехановские чтение. М.:2006,с.145-146.

VIII. Газета ва журналлар

46. ”O’zbekiston iqtisodiyoti” журналі 2005-2007 йиллардаги сонлари.

47. "Бозор пул ва кредит" журналі 2005-2006 йиллардаги сонлари.

48. "Jamiyat va boshqaruv " журналі 2005-2006 йиллардаги сонлари.

49. “Экономическое обозрение” журналі 2005-2008 йиллардаги сонлари.

IX. Статистик маълумотлар тўплами

50. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004-2006 йиллардаги ҳисобот маълумотлари.

51. “Труд и занятость в Республике Ўзбекистан в 2005 год”.-Т.: Макроэкономстат Республики Ўзбекистан, 2005 г.

X. Интернет сайтлари

52. www.ilo.com (*Халқаро Меҳнат Ташиқоти*)

53. www.stat.uz (*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кўмитаси*)

54. www.bearingpoint.uz (*Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати ҳақидаги статистик маълумотлар*)

55. www.yahoo.com (*yahoo портали*)

56. www.cer.uz (*"Экономическое обозрение" журналі сайти*)

XI. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

57. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т. «Меҳнат иқтисодиётининг замонавий муаммолари» Электрон ўқув қўлланма. ТДИУ, 2005.

XII. Статистик тўплам ва манбалар:

58. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг 2006 йилги Статистик Ахборотхрмаси. Тошкент.: 2007

59. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 1998-2005 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

60. Қашқадарё вилояти статистика бошқармасининг 2004-2007 йиллардаги маълумотлари.

Иловалар

1-илова

Ўзбекистон Республикасида 2006 йил давомида қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари

№	Худудлар ном и	Қишлоқ хўжалиги			Қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этиш					
		Қишлоқ хўжалигида		Ортиқча	Сони	Топширикқа	Хақиқатда	Молиялаштириш манбаси,		
		2006 йил	2005 йилга					Бюджет	Бошка	Хўжалик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	246272,8	108,4	1261	17184	106,2	873,6	5727,1	4806,5	4478,9
2	Андижон	629600,0	103,5	-	41558	129,6	712,6	8406,9	19642,3	1565,7
3	Бухоро	628130,1	104,5	1258	28142	103,1	397,0	198,6	10523,9	477,5
4	Жиззах	442459,7	106,5	-	16833	114,0	852,3	8306,4	3335,3	2704,3
5	Қашқадарё	670629,1	100,8	28488	67489	172,0	2628,2	24054,6	1848,5	151473,1
6	Навоий	302537,5	107,7	231	17072	115,2	1021,0	2357,0	14311,5	777,5
7	Наманган	484216,6	107,0	4943	38882	166,7	690,1	13794,7	12067,6	970,7
8	Самарқанд	962712,6	110,7	1053	42008	105,7	866,5	8235,7	18804,7	10201,6
9	Сурхондарё	602235,6	112,8	302	41257	168,2	1153,9	15712,2	27776,9	4120,5
10	Сир дарё	275522,6	103,2	-	16335	104,7	509,7	2901	4523,9	900,4
11	Тошкент	953649,9	109,2	7041	22161	121,5	693,3	394,9	224,8	14745,5
12	Фарғона	639109,6	101,8	-	32343	121,6	580,0	5048,9	3564,5	10145,5
13	Хоразм	476931,9	104,2	-	31280	110,4	375,3	1376,8	6632,6	3731,7
Ўзбекистон Республикаси		7314008,0	106,2	44577	412544	x	1044,4	96514,8	128063,0	206292,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида 2006-2007 йиллар мобайнида ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар таҳлили

№	Шаҳар ва туманлар номлари	Ўртача аҳоли жон бошига курсаткичлар								Ўртача бир ойлик иш ҳақи, сўм	
		Чакана савдо айланмаси минг сўм		Пуллик хизмат минг сўм		Маиший хизмат минг сўм		Даромадлар млн. сўм	Харажатлар млн. сўм	2006 йилда	2007 йилда
		2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил	2006 йил	2007 йил				
	Шаҳарлар:										
1	Қарши шаҳри	755,7	835,1	240,6	329,8					185933,3	269744,7
	Туманлар:										
2	Ғузор	130,9	146,3	16,1	8,6					170292,9	247187,9
3	Дехқонобод	93,2	105,8	8,3	26,7					111088,7	161250,5
4	Қамаши	133,0	161,8	8,6	25,5					106930,2	155244,3
5	Қарши	86,8	104,0	11,0	32,9					107498,6	156039,4
6	Косон	166,2	201,3	20,3	38,2					148370,9	215367,5
7	Китоб	217,6	251,1	15,6	51,8					127555,5	185152,9
8	Миришкор	97,5	100,6	9,6	27,2					126052,2	182872,6
9	Муборак	175,2	185,2	17,1	69,4					186229,0	270320,0
10	Нишон	136,7	155,9	8,0	40,2					160328,7	232724,1
11	Касби	77,2	87,1	11,6	25,3					119299,3	173081,5
12	Чироқчи	148,8	155,3	10,1	21,2					112311,1	163024,9
13	Шаҳрисабз	150,8	184,1	75,4	37,2					146529,5	212682,7
	Яккабоғ	120,6	184,1	75,4	37,2					144097,2	209164,1
14	Вилоят буйича:	191,8	121,1	40,9	61,3	10,393	11,5	430,1	334,6	178347,9	258800,8

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқрамси маълумотлари

Ўзбекистон Республикасида 2006 йилда меҳнат бозори вазияти таҳлили

№	Худудлар номи	01.01.2007й ҳолатига аҳоли сони минг киши	меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони минг киши	ишлаётган ўсмирлар ва пензионер- лар сони м. киши	икти- содий фаол аҳоли сони м. киши	Иқтисодиёт да банд аҳоли сони м. киши	жами ишсиз аҳоли сони киши	меҳнат орган- ларига мурожаат қилганлар сони киши	иш билан таъминлаган ишсиз аҳоли сони киши	руйхатга олинган ишсизлар сони киши	Яратилган янги иш Уринлари Сони Бирлик	<i>шу</i>
												<i>жумладан:</i> кичик бизнес ва хусусий тадбиркор ликда бирлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1582,4	857,5	3,1	578,5	542,7	35807	23931	17568	4439	22094	18338
2	Андижон	2412,3	1346	9,2	1010,6	985,1	12730	30309	25483	863	52221	45466
3	Бухоро	1543,9	876,7	17,7	568,7	688,4	13103	20506	16160	767	40955	36606
4	Жиззах	1065,3	559,0	5,3	342,8	341,6	2650	15201	11773	909	22592	21638
5	Қашқадарё	2442,2	1295,8	7,1	935,1	850	14377	28600	23373	2781	67489	54105
6	Навоий	819,1	454,8	9,3	385,2	383,2	2552	21045	17247	4914	26265	24196
7	Наманган	2133,7	1548,9	9,2	1039,7	716	2345,2	43308	33700	861	38882	37111
8	Самарқанд	2954,3	1568,5	8,4	1085	1083,2	10500,1	52184	47250	1825	52694	44176
9	Сурхондарё	1956,8	1027,9	14,2	693,4	673,9	19472	22451	19967	1772	41257	35154
10	Сирдарё	687,3	377,9	4,4	290,4	288	5077	11258	8144	987	23868	21350
11	Тошкент	2491,2	1418,1	12,5	1042,8	1042,8	933	31571	16412	2999	39323	34003
12	Фарғона	2917,5	1584,6	12	2252,9	1206,9	4384	55252	47325	1046	51440	42962
13	Хоразм	1477,5	808,1	6,3	541,0	538	3783	28559	20036	2970	34276	24631
14	Тошкент ш.	2148,5	1376,8	42,9	1129,2	1127,2	21700	28604	16190	1975	49419	40491
Ўзбекистон Республикаси		26632,0	15100,6	161,6	11895,2	10467,0	149413,3	412779,0	320628,0	29108,0	562775	480227

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Қашқадарё вилоятида 2007 йилда меҳнат бозори вазияти таҳлили

№	Шаҳар ва туманлар	меҳнатга лаёқатли аҳоли сони минг киши	иқтисодий фаол аҳоли сони минг киши	Иқтисодиёт да банд аҳоли сони минг киши	жами ишсиз аҳоли сони киши	меҳнат орган-ларига мурожаат қилганлар сони киши	иш билан таъминлаг ишсиз аҳоли сони киши	руйхатга олинган ишсизлар сони киши	Яратилган янги иш ўринлари сони бирлик	шу жумладан:	Жами иш билан таъминланганлар бирлик
										кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бирлик	
1	Қарши шаҳри			106	0,5	5380	8801	3699	5632	3472	6424
2	Ғузор			48,5	0,6	2652	1459	2194	3947	3020	4840
3	Дехқонобод			28	0,4	3601	1148	1365	2147	1939	2175
4	Қамаши			63,5	0,4	3002	1775	2151	3098	1750	3803
5	Қарши тумани			73,2	0,6	3032	1376	1968	3989	3772	3799
6	Косон			68,4	0,4	31,90	1650	2215	2006	1668	3219
7	Китоб			48	0,3	3260	2286	2490	3916	2948	4714
8	Миришкор			65	0,5	2187	1214	1295	1387	1183	2030
9	Муборак			41	0,3	1942	1170	1400	2311	1722	2940
10	Нишон			38,5	0,2	1471	867	1016	3167	2175	2554
11	Касби			51,4	0,1	3162	1651	1783	2432	2075	1815
12	Чироқчи			79	0,5	2669	1865	2585	5303	4933	3817
13	Шаҳрисабз			88	0,5	3886	2406	2679	3762	3138	4054
14	Яккабоғ			51,5	0,1	2077	1705	1769	3534	3026	4685
Вилоят бўйича		1300,2	852,8	850	5,4	51511	2337	28609	46631	36821	50869

Манба: : Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

5-илова

Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йилларда иш билан банд аҳолининг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланиш таҳлили (минг киши)

№	Тармоқлар	2004	2005	2006	2007
1	Саноатда	58,5	62,4	67,2	68,1
2	Қишлоқ хўжалигида	289,4	244,1	234,2	239,2
3	Транспорт ва алоқада	25,2	26	26,7	27,1
4	Қурилишда	87,4	92,5	98,2	99,3
5	Савдо ва моддий-техник таъминотда	78,8	83,6	93	98,1
6	Уй-жой, коммунал хизматива маиший хизмат кўрсатишда	16,1	17,2	18,9	18,6
7	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотда	56,4	61	63,9	64,1
8	Халқ таълими, санъат соҳасида	104,7	110,3	117,1	117,5
9	Кредитлаштириш, молиялаштириш ва пенсия таъминотида	14,4	14,6	17,1	18,4
10	Бошқа соҳаларда	65,5	110	130,8	108,6
	Жами	796,4	821,7	850	859

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқрамси маълумотлари


6-илова

Ўзбекистон Республикасида 2000-2006 йиллар мобайнида истеъмол нархлар индекси

№		2004	2005	2006	2007
1	Истеъмол нархлар индекси	101,6	106,4	108,7	109,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.


Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2004 йилдаги ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари таркиби



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари


8-илова
8-диаграмма

Қашқадарё вилоятида 2004-2007 йилларда аҳоли пул харажатлари таркиби тенденцияси



Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2005 йилдаги ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий
ҳимоялаш харажатлари таркиби**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари